

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 339.92

ББК:65.6 (5+4)

А-15

Абдурахимова Нилуфар Хамидуллаевна

**ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ САВДО-
ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ
ЙЎЛЛАРИ**

5А 231001 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва
мамлакатшунослик (МДХ мамлакатлари бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари
номзоди, доцент **Хакбердиев К.К.**

Тошкент– 2015

Ҳимояга рухсат берилди:

Магистратура бўлими бошлиғи

ф.ф.н. Иброҳимова Ш.Б.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Беларусь ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги ҳолати.....	8
1.1. Беларусь иқтисодиёти ривожланишининг замонавий ҳолати: динамикаси ва таркиби.....	8
1.2. Беларусь иқтисодиёти асосий тармоқларининг ривожланиш тенденциялари.....	16
1-боб бўйича хулоса.	28
II БОБ. Беларусь Республикаси ташқи савдосининг ривожланиш хусусиятлари.....	32
2.1. Беларусь ташқи савдоси динамикаси.....	32
2.2. Беларусь ташқи савдоси таркибидаги ўзгаришлар.....	42
2-боб бўйича хулоса.....	46
III боб. Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва асосий йўналишлари.....	49
3.1. Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати.....	49
3.2. Ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истиқболлари..	53
3-боб бўйича хулоса.....	74
Хулоса.....	75
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	80

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Миллий иқтисодиётни диверсификациялаш ва модернизациялаш бугунги кунда жуда долзарб вазифалардан бирига айланди. Иқтисодиётнинг кўп тармоқли таркибини шакллантириш кўп жиҳатдан мамлакат иқтисодиётининг миқёсига, экспорт ва импорт йўналишларига боғлиқ. Модернизация сиёсати ҳам диверсификациялаш чора-тадбирларига мос келади. Диверсификациялаш стратегияси узок йилларга, масалан, 15-20 йилга, мўлжалланган чора-тадбирларни ўз ичига олади. Диверсификациялаш ва модернизациялаш мақсадига мамлакат иқтисодиёти таркибини ва ривожланиш ҳолатини чуқур таҳлил қилиш ва босқичма-босқич ёндошувлар билан эришса бўлади. Мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ҳам шу тарзда диверсификациялаб бориш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданок жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлини танлаб, халқаро алоқаларнинг ҳақиқий субъектига айланди ва мустақил сиёсат юрита бошлади. Ҳозирги кенг миқёсдаги глобаллашув, интеграциялашув ва ахборотлашув жараёни кетаётган даврда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик дунё давлатлари учун ҳар жиҳатдан фойдалидир. Мустақиллик даврида Ўзбекистоннинг муҳим ташқи савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланган Россия Федерацияси билан амалга оширилган манфаатли ҳамкорлик таркиби бўйича ҳам, миқёси бўйича ҳам ўзгариб борди.

Қолаверса, Россия Федерацияси ва халқаро ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик алоқалари, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда, ўзаро иқтисодий ҳамда илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Президент И.А.Каримов «XXI аср, шубҳасиз, халқаро муносабатларда

бутун дунё қамраб олинadиган аср бўлади¹», деб таъкидлаган эди. Шундай шароитда мамлакатимизнинг ташқи савдо-иқтисодий алоқалари географиясини ва товар таркибини такомиллаштириб бориш жуда зарур. Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувни янада чуқурлаштириш эса Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига самарали қўшилишини таъминлаши лозим. Бунинг учун халқаро ташкилотлар, халқаро минтақавий ташкилотлар, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Россия Федерацияси билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш республикамиз ташқи савдо-иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланиб, миллий манфаатларимизга тўлиқ мос тушади.

Бугун Россия Федерацияси Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатида муҳим аҳамият касб этади. Икки томонлама муносабатларнинг аҳамияти эса қуйидагиларда ўз аксини топади.

Биринчидан, Россия Федерацияси Ўзбекистон учун муҳим ташқи бозор, инвестиция ва технология манбаидир.

Иккинчидан, ўз навбатида Ўзбекистон Россия Федерацияси учун муҳим хом ашё манбаи бўлиб, Россия Федерацияси учун катта истеъмолчи бозор ҳисобланади.

Учинчидан, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон учун Евроосиёда умумий минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни сақлаш ва таъминлаш долзарб вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида ҳамкорликда икки йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчиси — Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган шериклик ва ҳамкорлик алоқалари.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартларива тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.306

Иккинчиси — Россия Федерацияси ва Ўзбекистоннинг ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий муносабатлари.

Янги минг йилликда жаҳон ҳамжамиятида муҳим сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Халқаро муносабатларнинг тури, шакли, даражаси ва ҳуқуқий асосларида ҳам катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Зеро, ушбу жараёнда мустақил Ўзбекистон Республикаси олиб бораётган ташқи иқтисодий сиёсат, давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсишни янада кучайтириш ва халқимиз турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир.

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, геосиёсий координаталарнинг янги тизимини шакллантириш вазиятида заҳираларга бой ҳудудлардан бири бугунги кунда минтақамиз бўлиб, уни ишлаб чиқаришда хорижий давлатлар билан ҳамкорлик муносабатлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик жаҳон сиёсатида ўз таъсирини сақлаб қолишга интилаётган давлатларнинг диққат эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Президентимиз И.А.Каримов эътироф этганларидек, “...кимда-ким нефт ва газ заҳираларига ҳукмронлик қилса, дунёга ҳукмрон бўлиши мумкин деган қарашлар кучайиб бормоқда. Ва аксинча – кимдаки шундай ресурслар бўлмаса, нефт-газ, умуман, углеводород хом ашёсига эга бошқа давлатларга нисбатан турли ҳаракатлар ҳам содир бўлаяпти. Чунки қудратли давлатлар яхши биладики, мана шундай бойлик кимнинг қўлида бўлса, у бошқаларни ўз таъсирига олишнинг калити, воситаси бўлиб хизмат қилади²”.

Ҳозирги кунда экспорт борасидаги энг муҳим вазифа мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган рақобатга бардошли маҳсулотларни экспорт қилиш йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқларни олиб ташлаш,

²Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14–жилд. Т.:Ўзбекистон, 2006 йил. 105–бет

экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга нисбатан имтиёз ва кулайликлар яратиш, шунингдек, ҳозирги кескин ҳалқаро рақобат шароитида ўз маҳсулотларини хорижга сотаётган ишлаб чиқарувчиларимиз экспортини кредитлаш ҳамда суғўрталаш механизмларини жорий этиш масаласини ҳал этишдан иборат. Ушбу масалаларнинг ҳал этилиши мамлакатимизнинг кун сайин юксалиб бораётган экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, бу эса, ўз навбатида, миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳалқаро иқтисодий майдонда рўй бераётган ўзгаришларга нисбатан ўзимизнинг мустақил иқтисодий сиёсатимизни юритиш учун тегишли шарт-шароит ва моддий асос яратади. Россия Федерацияси билан савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш ҳам миллий иқтисодиёт манфаатларига мос келади, бу жараёни узлуксиз давом эттириш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи-назардан диссертация учун танланган мавзу долзарблиги билан ажралиб туради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб бориши, ривожланган ва ривожланаётган давлатлар билан ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий муносабатлари, ташқи савдо-иқтисодий алоқаларнинг назарий жиҳатларига бағишланган кенг қамровли ва чуқур илмий тадқиқотлар кейинги йилларда кўпайиб борди.

Ушбу муаммони ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарларидан алоҳида илмий-назарий, услубий манба сифатида фойдаланилади.³

Мамлакатлар савдо-иқтисодий алоқалари, импорт ва экспорт салоҳиятини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар А.Эльянов, Анн

³Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун кўрашмоқ керак. 10–жилд. –Т.:Ўзбекистон, 2002; Каримов И.А. биз танлаган йўл – демократик тараққиёт йўли. 11–жилд. –Т.:Ўзбекистон, 2003; Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч–қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иролаимизга боғлиқ. 12–жилд. –Т.:Ўзбекистон, 2004; Каримов И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13–жилд. –Т.:Ўзбекистон, 2005; Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг – олий қадрият. 14–жилд. –Т.:Ўзбекистон, 2007;

Харрисон, М.Портер, Н.Питер, А.Линдерт, Н.А.Миклашевская, А.В.Холопов А.П.Киреев, каби хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида узок муддатга мўлжалланган муносабатлар, хусусан, савдо-иқтисодий алоқалар бир катор иқтисодчи олимлар, жумладан, М.Шарифхўжаев, А.Ш. Бекмуратов, Н.Тўхлиев, А.Расулов, А.Ўлмасов, Р.Алимов, Б.Маҳмудов, Г.Назарова, Н.Сирожиддинов, С.В. Чепель ⁴ ларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Магистрлик диссертацияси мавзуга оид манбалар каторида, охириги йилларда умуман Ўзбекистон ва Россия Федерацияси давлатларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мавзулардаги тадқиқотлари билан иштирок этаётган Россиялик тадқиқотчилар И.А. Свистунова, А.Г. Гаджиев, К.В.Вертяев, А.Булгаков, И.И. Стародубцев, А.А. Гурьевларни алоҳида таъкидлаш ўринли. Улар томонидан амалга оширилган тадқиқотларида Россия Федерациясининг ҳозирги кундаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривож масалалари, иқтисодий тараққиёти контекстида хулоса ва шарҳлар мавжуд.

Магистрлик диссертациясининг предмети ва объекти. Бугунги кунда жаҳонда Ўзбекистоннинг ер юзининг ривожланган мамлакатлари, хусусан, Россия Федерацияси билан олиб бораётган савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг ташкилий-иқтисодий муносабатлари тадқиқотнинг **предметини** ташкил этади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси, экспорт салоҳияти ўзгариши, устувор йўналишлари ҳам тадқиқот предметиға киритилган.

⁴ Чепель С.В. «Тенденция и перспективу достижения устойчивого экономического роста.//Экономическое обозрение. №2, 2000 г., стр33.

Тадқиқот **объекти** глобал иқтисодий тангликнинг оқибатларини барҳам топтириш шароитида Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси билан савдо-иқтисодий ҳамкорлиги соҳалари ва йўналишларидан иборат.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси билан савдо-иқтисодий алоқаларининг ҳозирги ҳолати ва истикболларини ўрганиш асосида уларнинг минтақадаги манфаатлари ва савдо-иқтисодий алоқаларининг янги йўналишларини амалга ошириш, диверсификация жараёнининг имкониятларини ўрганиш ишнинг асосий **мақсади** ҳисобланади.

Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар асосий **вазифа** сифатида белгилаб олинди:

- Ташқи савдо-иқтисодий алоқаларни ташкил этишнинг назарий асосларини кўрсатиш;
- Ташқи савдо-иқтисодий стратегияларнинг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлилиги ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бериш;
- Ташқи савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификациялашнинг заруратини асослаш;
- Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини аниқлаш;
- Ўзбекистон ва Россия савдо-иқтисодий алоқаларининг ривожланиш йўналишларини аниқлаш;
- Ўзбекистон ва Россия савдо-иқтисодий алоқалар таркибини диверсификациялаш имкониятларини кўрсатиш;
- Экспорт ва импорт таркибини диверсификация қилиш чоратadbирларини кўрсатиш;
- Миллий саноат рақобатбардошлиги ўзгариши ва диверсификациялашнинг йўналишларини аниқлашдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг илмий-амалий ахамияти.

Мазкур диссертация иши материаллари асосан Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги иқтисодий алоқаларни тадқиқ этиш, Россия Федерацияси ва мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсати, ташқи савдо динамикаси ва уларнинг таркибидаги ўзгаришларини тадқиқ этаётган битирувчи курс талабалари учун манба сифатида хизмат қилади. Шунингдек, мазкур йўналишда фаолият юритаётган мутахассислар маълумот манбаи сифатида фойдаланишлари мумкин. Мақолалар ва маърузалар тайёрлашда ҳам ушбу диссертация материаллари фойдадан холи эмас.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги. Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз аксини топган:

- Ташқи савдо-иқтисодий алоқаларни ташкил этишнинг асосий йўналишлари назарий жиҳатдан кўрсатиб берилди;
- Ташқи савдо-иқтисодий стратегияларнинг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлилиги ўзгаришига таъсири аниқланди;
- Ташқи савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификациялашнинг заруратини асосланди;
- Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари кўрсатилди;
- Ўзбекистон ва Россия савдо-иқтисодий алоқаларининг ривожланиш йўналишлари аниқланди;
- Ўзбекистон ва Россия савдо-иқтисодий алоқалар таркибини диверсификациялаш имкониятларини кўрсатилди;
- Экспорт ва импорт таркибини диверсификация қилишнинг асосий чора-тадбирлари кўрсатилди;
- Миллий саноат рақобатбардошлиги ўзгариши шароитида диверсификациялашнинг йўналишлари аниқланди.

Магистрлик диссертацияси таркибий тузилиши. Мазкур магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I-БОБ. ТАШҚИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Ташқи савдо-иқтисодий алоқаларни ташкил этишнинг асосий йўналишлари

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг анъанавий ва энг ривожланган кўриниши ташқи савдо ҳисобланади. Халқаро иқтисодий муносабатлар умумий ҳажмининг 80%и савдонинг улушига тўғри келади⁵.

Ҳозирги глобллашув шароитида дунёнинг турли минтакаларида иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини ўсиши нотекис юз бермоқда. Бу эса халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, халқаро айрибошлаш ошириш заруриятини юзага келтиради, ушбу жараёнлар янги бозорларни ривожлантиришга хом-ашёни олиб киришга олиб кириш ташқи савдони ошириш турки бўлади. Ташқи савдо яъни давлатнинг экспорти ва импорти йиғиндиси бўлиб ташқи савдо айланмасини ташкил қилади.

Ташқи иқтисодий фаолият ташқи савдога асосланади, чунки ташқи савдо туфайли мамлакатлар ўз ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятиги эгадирлар. Халқаро савдода заманавий қарашларни ўз ичига бир неча назарияни қамраб олади. Ҳар қандай мамлакат учун ташқи савдонинг роли каттадир.

Ж.Сакснинг фикрича «дунёдаги ҳар қандай давлатнинг иқтисодий муваффақияти ташқи савдода тўғри келади. Ҳозирги давргача ҳеч бир мамлакат жаҳон иқтисодий тизимидан ажраган ҳолда соғлом иқтисодиёт ҳосил қила олгани йўк»⁶.

Халқаро савдода халқаро меҳнат тақсимооти асосида пайдо бўладиган турли давлатлар товар ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги алоқаларнинг

⁵Устинов А.. Мировой торговля, М 2002. – с. 85.

⁶Черников.Г.П.Мировая экономика. М: 2003.-с 380-381.

бир шакли бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий боғлиқликни намоён қилади. Халқаро савдо ишлаб чиқаришга нисбатан тезроқ ўсмоқда. Ташқи савдо айланмасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, жаҳонда ишлаб чиқариш 10%га кўпайганда жаҳон савдоси 16%га ўсмоқда.

«Ташқи савдо» деганда бир мамлакатнинг бошқа мамлакат билан ҳақ тўланадиган олиб кириш, яъни, импорт ва ҳақ тўланадиган олиб чиқиш, яъни, экспортдан иборат савдоси назарда тутилади. Ташқи савдо фаолияти товар ихтисослашувига кўра тайёр маҳсулотлар савдоси, машина ва ускуналар савдоси, хомашё савдоси ва хизматлар савдосига бўлинади.

Дунёдаги барча мамлакатларнинг ҳақ тўланадиган товар айланмаси йиғиндиси халқаро савдо деб аталади. Халқаро савдо тушунчаси қисқача маънода ҳам ишлатилади. Масалан, саноати ривожланган давлатлар товар айланмаси йиғиндиси, ривожланаётган давлатлар товар айланмасининг йиғиндиси ва бошқалар. Барча давлатлар олдида ташқи савдо бўйича миллий сиёсат танлаш муаммоси ётади. Икки аср мобайнида бу мавзуда тортишувлар бўлиб келяпти.

Эркин савдо ёки протекционизм сиёсатини танлаш ёки уни қандай бўлса шу ҳолда сақлаш олдинги асрларнинг ҳарактери эди. Бизнинг давримизда бу икки йўналиш ўзаро боғлиқ. Аммо кўп ҳолларда бу қарама-қарши бирлик эркин савдо тамойилининг бош ролини бажаради. Эркин савдо сиёсатига биринчи бўлиб А.Смит томонидан таъриф берилган. Адам Смит «айирбошлаш ҳар бир мамлакат учун фойдалидир; ҳар бир мамлакат бунда мутлоқ устунликка эга бўлишини» таъкидлаган. Адам Смитнинг таҳлиллари классик назариянинг асоси бўлган ва эркин савдо сиёсатининг ҳар қандай шакли учун асос бўлиб келган. Бироқ бу муҳокамаларни охиригача давом эттирар эканмиз, шундай ҳулосага келиш мумкин: агар давлат хориждан керакли нарсаларнинг ҳаммасини, энг арзон нархда ва чекланмаган миқдорда топиши мумкин бўлса, ҳамма нарсани хориждан олиш унинг манфаатлари учун хизмат қилади. Унинг ўзи эса сотиш учун

бирон нарса ишлаб чиқарадими Хеч нарса буни кафолатламайди. У холда у сотиб олган товарлари учун нимани тўлайди. Демак, мутлоқ устунлик назарияси берк кўчага олиб киради.

Д.Рикардо «Сиёсий иқтисод ва солиқ солишнинг бошланиши» 1817 йилда ёзган китобида боши берк кўчадан классик назарияни келтириб чиқарди. У мутлоқ устунлик тамойили умумий қонданинг айрим ҳолатигина эканлигини исботлаб, **нисбий устунлик назариясига** асос солди. Унга кўра ташқи савдо ривожланиши йўналишларини таҳлил қилишда иккита ҳолатни инобатга олиш зарур. Биринчидан, иқтисодий ресурслар (табиий, меҳнат ва бошқалар) мамлакатлар ўртасида нотекис тақсимланган. Иккинчидан, турли товарларни самарали ишлаб чиқариш турли технологиялар ёки ресурслар комбинациясини талаб қилади ва мамлакатларнинг турли товарларни ишлаб чиқаришдаги иқтисодий самарадорлиги вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин. У халқаро ихтисослашув мезонларини ажратган холда, давлатлар учун қандай ҳолатларда давлатлараро айирбошлаш манфаатли эканини кўрсатиб берди. Ҳар бир давлат учун устунлик қилган ёки кучсизлиги нисбатан камроқ бўлган соҳага ихтисослашиш манфаат келтиради. Унинг муҳокамалари устунликлар таққосланиши назарияси ёки принципида ўз аксини топди.

Д.Рикардо халқаро айирбошлаш барча давлатлар учун мумкин ва манфаатлидир. У айирбошлаш барча учун фойдали бўлган нарх зоналарини аниқлади.

Джон Стюарт Милль ўзининг «сиёсий иқтисод асослари» 1848 йилда ёзган китобида қандай нархда айирбошлаш амалга оширилишини кўрсатди.

Миллнинг хулосасига кўра, айирбошлаш баҳоси талаб ва таклиф қонуни асосида шундай даражада белгиланадики, бунда ҳар бир мамлакатнинг экспортдан оладиган тушуми унинг импорти ҳажмини қоплашга имкон беради. Ушбу **халқаро қиймат қонуни** ёки **халқаро**

қиймат назарияси Миллнинг катта хизматидир. Милльга кўра айрибошлаш нархи талаб ва таклиф қонунига кўра, ҳар бир давлатнинг ялпи экспорт миқдори ялпи импорт миқдорини қоплайдиган даражада белгиланади.

Халқаро қиймат қонунининг таъкидлашича, шундай қиймат мавжудки у давлатлар орасидаги товар айирбошлашни оптималлаштиради. Бу бозор нархи талаб ва таклифга боғлиқ.

Классик буржуа иқтисодиётининг назарисини ривожлантиришга қаратилган сўзлар Готфрид Хаберлер томонидан айтилган эди. У нуқтаи назарини нафақат меҳнатга балки ишлаб чиқаришнинг барча омилларига эътиборни қаратди.

Халқаро Савдо оқимини нима билан аниқланиши ва унинг таркибини Эли Хекшер ва Бертиль Олин ўзларининг замонавий қарашларида акс эттирганлар. Улар нисбий устунлик тушунасини қуйидагича изохлаганлар: у ёки бу давлатнинг маълум бир товарларга ихтисослашиши уларнинг ишлаб чиқариш омиларига эгалик даражасига боғлиқ. Э.Хекшер ва Б.Олин «нархларнинг ишлаб чиқариш омилларига тенглаштириш» теоремасини илгари сурдилар.

Д. Рикардо ишлаб чиқаришнинг фақат бир омили – меҳнат омилига эътибор қаратган бўлса, Э. Хекшер ва Б. Олин ўз таҳлилларида, асосан ишлаб чиқаришнинг икки омиллини – капитал ва меҳнат омиллини кўриб чиқдилар⁷. Уларнинг таъкидлашича, ишлаб чиқариш капитали сероб ва кам ишчи кучига эга мамлакатлар капитал талаб қиладиган товарлар ишлаб чиқаришда устунликка эга бўладилар, ишчи кучига бой ва капитали етарли бўлмаган мамлакатлар кўп меҳнат талаб қиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда устунликка эгадирлар.

⁷ Мирсаидов М.С. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма.-Т.:“ИQTISOD-MOLIYA”,2006 й, 113-бет.

Шундай қилиб, Хекшер – Олинларнинг таъкидлашича, бу мамлакатлар ўз ишлаб чиқаришларида нисбатан катта ҳажмга эга бўлган омилларни талаб этувчи маҳсулотларни устун даражада экспорт қилишга интиладилар, чунки бу ишлаб чиқариш омилларнинг нисбий арзонлиги анча паст даражадаги сарфларни таъминлайди ва уни жадал ишлатишга олиб келади.

1948 йилда Америкалик иқтисодчилар П. Самуэльсон ва В. Столпер ўз теоремаларини киритиб Хекшер-Олин теоремасининг исботини мукаммаллаштирдилар: ишлаб чиқариш омиллари, техника бир ҳил бўлса, мукаммал рақобат ва товарларнинг тўла ҳаракатчанлиги мавжуд бўлганда халқаро айирбошлаш ишлаб чиқариш омилларининг давлатлар орасидаги нархини тенглаштиради.

Ташқи савдо назарияси Америка иқтисодчиси В. Леонтьевнинг «Леонтьев парадокси» номли ишида янада ривожланди. Парадокс шундаки В. Леонтьев Хекшер-Олин теоремасидан фойдаланиб Америка иқтисоди урушдан кейинги даврда капиталга нисбатан меҳнатни кўпроқ талаб қиладиган ишлабчиқаришга ихтисослашганини кўрсатди. Бошқача айтганда, АҚШ экспорти импортига нисбатан кўпроқ меҳнат талаб ва камроқ капитал талабдир. Бу хулоса АҚШ иқтисодиёти ҳақидаги олдинги барча фикрларга тамоман тесқаридир. Умумий фикрга кўра, АҚШ иқтисодиётида доимо капитал ортқча эди ва Хекшер-Олин теоремасига кўра АҚШ капитал талаб товарларни импорт эмас, экспорт қилишлари керак эди.

Кейинги йилларда В. Леонтьев ихтироси кенг резонанс олди. Турли давлатларнинг кўплаб иқтисодчилари «Леонтьев парадоксини» тушунтириб бу мавзуда тортишдилар. Натижада нисбий устунлик назарияси янада ривожланди. Унга техник ривожланиш ва уни тақсимланишининг тенг эмаслиги, маблағларни фирмалардан ташқарида

иқтисод қилиш, давлатлардаги иш ҳақининг фарқи вабошқа тушунчалар киритилди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан халқаро савдо тез суръатлар билан ривожлана бошлади. 1950-2010 йиллар орасидаги даврда халқаро савдо айланмаси 24 баробар ўсди. Ғарбмутахассисларининг фикрича 1950 ва 1970 йиллар оралигидаги даврни халқаро савдонинг «олтин асри» деб айтиш мумкин. Айнан шу даврда жаҳон экспорти йилига ўртача 7%га ўсди. Аммо 1970-йиллардаёқ у 5,5га тушди ва 1980-йилларда яна камайди. 1980-йилларнинг охирида жаҳон экспорти сезиларли равишда жонланди⁸.

Халқаро савдонинг барқарор ўсишига қатор омиллар таъсир кўрсатди:

1) Халқаро меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришнинг байналмилалашувининг ривожланиши;

2) ИТИ

3) Жаҳон бозорида трансмиллий корпорацияларнинг фаолияти;

4) Халқаро савдонинг Тариф ва Савдо Бош Битими (ТСББ) ва БСТ фаолияти орқали тартибга солиниши (эркинлаштирилиши) туртки бўлди;

5) Халқаро савдонинг эркинлаштирилиши, кўплаб давлатларнинг импортни сон жиҳатдан чеклашни бекор қилувчи ва божларни кескин қисқартирувчи режимга ўтишлари, эркин савдо ҳудудларининг ташкил топиши;

6) савдо-иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланиши: минтақавий тўсикларнинг олиб ташланиши, умумий бозорлар, эркин савдо ҳудудларининг ташкил этилиши;

7) Собиқ мустамлака давлатларнинг мустақилликка эришишлари. Улар орасидан ташқи бозорга йўналтирилган иқтисодиёт моделини танлаган «Янги индустриал давлатларнинг» ажралиши.

⁸ International Financial Statistics, IMF, June 2010.

XX асрнинг иккинчи ярмидан ташқи савдо динамикасининг нотекислиги намоён бўла бошлади. Бу жаҳон бозоридаги давлатлар ўртасидаги кучлар нисбатига таъсир кўрсатди. АҚШнинг ҳукмронлиги камая бошлади. Масалан, 1950 йилда бу давлат улушига жаҳон экспортининг 1/3 қисми тўғри келган бўлса, 1990 йилга келиб фақат 1/8 қисми тўғри келди. Ўз навбатида Германия экспорти Американикига яқинлашди ва ҳатто айрим йилларда ундан ошиб кетди. Германиядан ташқари бошқа Ғарбий Европа давлатларининг экспорти ҳам ўсди. 1990-йилларда Ғарбий Европа - Халқаро савдонинг асосий марказидир. Унинг экспорти АҚШникидан қарийб 4 баробар кўп.

1980-йиллардан халқаро савдо соҳасида Япония катта ўсишга эришди. 1983 йилда у биринчи марта машина ва ускуналар экспорти бўйича биринчи ўринга чиқди. Япония жаҳонда енгил ва юк автомобиллари, кундалик электротехникавабошқаларни олиб чиқиш бўйича бошқа давлатлардан анча олдинда туради. Япония экспортининг 1/3 қисми АҚШга тўғри келади. АҚШнинг Япония билан савдодаги дефицити 1990-йилларда 50-60 млрд. долл. атрофида бўлди.

1980-йиллар охирига келиб Япония рақобатбардошлик омиллари бўйича илғор бўлиб олди. Бу даврда унга Осиёнинг «Янги индустриал давлатлари» Сингапур, Гонконг, Тайвань қўшилди. Аммо 1990-йилларнинг ўрталарида АҚШ яна рақобатбардошлик омиллари бўйича олдинги ўринларга чиқиб олди. Ундан кейин Сингапур, Гонконг, Япония бормоқда. Франция-17, Хитой-34, Туркия-40 ўринда эди. Руйхатнинг энг охирида Греция, Мексика, Польша, Венгрия ва Венесуэла туради. Россия энг охириги 48-ўринда эди.

Ривожланаётган давлатлар ҳозирча асосан ҳом-ашё етказиб берувчи бўлиб қолмоқдалар. Бунинг устига саноати ривожланган давлатлар жаҳон озиқ-овқат ва ҳом-ашё (нефтдан ташқари) экспортидаги улушларини

оширдилар. Ривожланаётган давлатларнинг бу товарлар экспортидаги улуши 40%идан (1960й.) 28%га (1990й.) қисқарди.

Ривожланаётган давлатларнинг ўз экспортларини саноат товарлари ҳисобига диверсификация қилишга ўринишлари саноати ривожланган давлатларнинг у ёки бу шаклдаги қаршилигига дуч келмокда. Шу билан бирга айрим ривожланаётган давлатлар, айниқса, «янги индустриал давлатлар» ўз экспортларининг реструктуралаштиришда анча муваффақиятга эришиб, унда тайёр маҳсулотлар, саноат маҳсулотлари, шу жумладан машина ва ускуналарнинг улушини кўпайтирдилар. Масалан ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон саноат экспортидаги улуши 1990-йилларнинг бошида 16,3%ни ташкил этди.

Бошқа ривожланаётган мамлакатлардан фарқли равишда «янги индустриал давлатлар», айниқса, Осиёнинг тўрт «кичик аждарҳоси» (Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур) экспортларини тез кўпайтирдилар.

Жаҳон савдосининг энг динамик ва интенсив ривожланаётган соҳаси қайта ишлаш саноати маҳсулотлари, айниқса илмталаб товарлар билан савдодир. Илмталаб маҳсулотлар экспорти йилига 500 млрд. долл.ни ташкил қилади. Юкори технологияли маҳсулотларнинг саноати ривожланган давлатлар экспортидаги улуши 40%га якин.


Машина ва ускуналар билан савдонинг роли сезиларли равишда ўсди. 1980 йилдан 1992 йилгача машина ва ускуналарнинг саноати ривожланган давлатлардан экспорти уч марта ўсди. Энг тез суръатлар билан электротехника ва электрон ускуналар экспорти ўсди. Улар улушига машинатехника маҳсулотлари экспортининг 25%и тўғрикелади.

Халқаро савдонинг тез ривожланаётган соҳаларидан бири кимё ва электроника маҳсулотлари билан савдодир.

Жаҳон савдосининг XX асрнинг биринчи ярмидаги ва кейинги йиллардаги структурасини ўрганишда сезиларли ўзгаришларни кўриш

мумкин. Асрнинг биринчи ярмида жаҳон товар айланмасининг $\frac{2}{3}$ кисми озик-овкат, хом-ашё ва ёкилгига тугри келган булса, асрнинг охирида уларнинг улуши $\frac{1}{4}$ кисмни ташкил этди. Кайта ишлаш саноати махсулотлари билан савдо килишнинг улуши $\frac{1}{3}$ дан $\frac{3}{4}$ гача ошди. Нихоят 90-йиллар уртасидаги жаҳон савдосининг $\frac{1}{3}$ кисми машина ва ускуналар билан савдодир.

Дунё экспорт ҳажмининг ўзгариши, 1950-2009 (фоизларда)



www.wto.org сайти маълумотлари асосида муаллиф тамонидан тузилган.

Хозирги кунда жаҳон ташқи савдосининг 2000 йилларда пасайиши кузатилган сўнги йилларда Бутунжаҳон савдо ташкилотидир ўрни алоҳида айтиб ўтишимиз керак. Жаҳонда экспорт ҳажми 2004-2006 йилларда ўсиши кузатилган бунга сабаб жаҳон бозорида товарлар нархлари ошиши кузатилди, кейинги икки йил ичида эса экспорт ҳажми аста секинлик билан пасайиши кузатилди, 2009 йилда иқтисодий молиявий инқироз бутун АҚШ эмас жаҳонни эгаллаб олди ва бунинг оқибатида экспорт ҳажми 12% камашиб кетди (1-жадвалга қаранг). Бутунжаҳон савдо ташкилоти маълумотларига кўра инқироз даврида маҳсулотлар экспорти бўйича Хитой давлати биринчи ўринга эди. 1280 млрд (\$) АҚШ долларига тенг кейинги ўринда Германия давлати ва АҚШ давлатлари хиссасига тенгдир⁹.

⁹International Trade Statistics 2010 p-5/worldbank.org

Жаҳонда йирик импортер мамлакатларга тўхталадиган бўлсак АҚШ импорти ҳажми 1780 миллиард \$ АҚШ доллариға тенг кейинги ўринларда Хитой ва Германия давлатлари ҳиссасига тўғри келади.

ЖАҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг форс кўрфази араб мамлакатлари иқтисодиётиги таъсирини ҳақида гапирганда Бахрайн ва Бирлашган Араб Амирлиги, Уммон, Саудия Арабистони, Катар, Кувайт иқтисодиёти нефтга боғлиқ бўлган давлатлар ЯИМ пасайиши кузатилди.

Араб мамлакатларининг жаҳон бозоридаги иштироки, нефт хомашёси орқали экспортга йўналтирилган сиёсатни, яъни хориж тажрибаларининг маълум жиҳатларини қўллаш, жумладан, Кувайт ва Бирлашган Араб Амирликларининг айрим эркин иқтисодий ҳудудларида амалга оширилаётган ташқи савдо-сотиқ жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари ва фойдали ривожланиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, янада батафсилроқ кўриб чиқиш ривожланаётган давлатлар учун жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

1.2. Ташқи савдо-иқтисодий стратегияларнинг миллий иқтисодиёт рақобатбардошлилиги ўзгаришига таъсири

Жаҳон ҳўжалик ва глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган шароитда ҳар қандай мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоти имкониятлари самарали фойдаланиши, глобаллашув жараёнларига мақсадга мувофиқ мослашиши, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали турмуш даражасини яхшилаб бориши кўп жиҳатдан экспорт ҳажминини оширишга ҳамда экспорт таркибини тайёр маҳсулотлар улушини юқори бўлишига олиб боғлиқ .

Бу мақсадга эришишга ташқи савдо стратегиясини танлаш асосида саноатлашув жараёнларини жадаллаштириш алоҳида аҳамиятга эга . Жаҳон иқтисодий тарақиётида ташқи савдо стратегиясининг икки асосий

тури шаклланган бўлиб, булар : иқтисодётни протекционестик тўсиқлар ёрдамида фаол ҳимоя қилишга қаратилган импорт ўрнини босувчи ва очик иқтисодиётга асаланган экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ёқловчи ташқи савдо стратегиясидир .

Ушбу савдо стратегияси соф ҳолатда ҳеч бир мамлакатда учрамайди, бироқ уларнинг қайси биридир уствор даражада фодаланиш юқори самара бериши тўрисидаги масала энг мунозарали масалалардан ҳисобланади . Шу муносабат билан ҳар иккала савдо стратегияларсининг моҳиятини очиб беришга қаратилган иқтисодий қарашлар ва таърифлар кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ .

Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган сиёсат ўтган асрнинг 50-60 йилларида ривожланаётган мамлакатларда кенг тарқалган .

Импорт ўрнини босишга қаратилган ташқи савдо сиёсатининг асосий хусусияти шундан иборатки, унда иқтисодиётни саноатлаштириш импортни чеклаш воситасида амалга оширилади . Импортни ўрнини босиш сиёсатида импортга турли тариф ва нотариф усуллар воситасида тўсиқлар қўйилади. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад миллий саноат корхоналарини хорижий корхоналар тамонидан кўрсатиладиган кучли рақобатдан ҳимоя қилиш ва жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарганликларига қадар “оёққа туришга ёрдам кўрсатишдан иборат” .

Ўзбек иқтисодчиси Н.Сирожиддинов таъкидлаганидек, “импорт ўрнини босишга қаратилган сиёсатнинг асосий хусусияти импортни чеклаш ва дискриминациялаш ёрдамида иқтисодиётни саноатлаштиришдир . Бошқача қилиб айтганда, импорт ўрнини босиш сиёсатини амалга ошириш маҳаллий саноатнинг алоҳида тармоқлари учун уларнинг ички бозорда рақобатбардошлигини кучайтириш мақсадида

суъний рағбатлар (ташқи савдо ва валюта сиёсати соҳасида) барпо этишни кўзда тутди”¹⁰.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ушбу муаммога бағишланган кўплаб мақолалар, илмий ишлар ва тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Кўриниб турибдики, барча таърифларда протекционизм сиёсатидан фаол фойдаланиш импорт ўрнини босиш сиёсатини асосини ташкил этиши тақиқланади.

Ривожланаётган мамлакатлар тамонидан ушбу ташви савдо стратегиясинг танланишига олиб келган бир қатор сабабларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Булардан энг асосийлардан бири шуки, ривожланаётган мамлакатларда шаклланган ишлаб чиқариш ва экспорт таркиби ноқулай бўлиб, унда хом ашё товарлари устувор ўринни эгаллайди. Ташқи садога кучли боғлиқлик, энг оддий саноат махсулотлари ишлаб чиқаришга ҳам имкониятнинг мавжуд эмаслиги кўплаб тадқиқотлар тамонидан ишлаб чиқариш ва экспорт таркибида хом ашё товарларининг устувор ўринга эканлиги натижаси сифатида қаралади.

Шу сабабли ривожланаётган мамлакатлар тамонидан эркин савдога асосланган савдо стратегиясининг танланиши уларнинг хом ашё ишлаб чиқаришга ихтисослашув даражасини янада кучайтириди. Бу эса саноатлашув жараёнлариги шундан келиб чиққан ҳолда аҳоли турмуш фаравонлигини оширишга тўсқинлик қилади.

Ривожланаётган мамлакатлар тамонидан импорт ўрнини босишга қаратилган савдо стратегиясининг танланишига олиб келган. Кейинги сабаб ҳам олдингиси билан боғлиқ бўлиб, импортер мамлакатларда даромад бўйича ҳам, жаҳон нархлари бўйича хом ашё товарларига бўлган

¹⁰ Тошбоев М.М. Ўзбекистон ташқи савдосини такомиллаштиришдаэкспортнинг ўрни. Магистрлик диссертацияси. -Т.: “Академия”,

талабнинг эластиклик даражаси паст Шу сабабли,хот ашё товарларини экспорт қилишдан олинидиган даромадлар юқори унумли асбоб-ускуналар ва тенологиялар импортини кенгайтиришга йўл қўймайди .

Импорт ўрнини босишга қаратилган савдо сиёсатининг танланишига олиб келган яна бир сабаб шундан иборатки, ривожланаётган мамлакатларда ишчи кучи асосан қишлоқ хўжалигида банд. Бу тармоқда меҳнат унумдорлиги паст бўлганлиги сабабли умуман иқтисодиёт бўйича меҳнат унумдорлигини ошириш учун жадал саноатлашув зарур.

Импорт ўрнини босувчи савдо стратегияси танланшининг бошқа бир сабаби шу билан боғлиқки, илк саноатлашув босқичида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш инвестицион товарлар импортини сезиларли даражада оширишни тақозо этади. Шу сабабли саноатлашув сиёсати амалга оширишда инвестицион ва бошқа оралиқ маҳсулотлар импортига бўлган талаб юқори суъратларда ўсади аммо валюта тушуми унга мувофиқ равишда ўса олмайди. Шунинг учун импорт билан рақобат қила оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш оралиғида жадал иқтисодий ўсишга эришиш мумкин.

Юқоридагалардан келиб чиқадиган бўлсак, импорт ўрнини босувчи савдо стратегияси тарафдорлари тамонидан келтириладиган асосий далил шундан иборатки, ривожланаётган мамлакатларда жадал иқтисодий ўсишни таъминлаш учун импорт маҳсулотлари рақобатлаша оладиган ҳалқ истеъмол товарлари импортиги сарфланадиган хорижий валюталар миқдорини камайтириш ҳамда иқтисод қилиб қолинган валюта маблағларини инвестицион товарлар сотиб олишга сарфлаш лозим. Мазкур қараш тарафдорлари фикрича, айнан хорижий валюта маблағларининг “тақчиллиги” иқтисодий ўсиш суъратларининг паст бўлишига олиб келаётаган асосий сабаб ҳисобланади .

Импорт ўрнини босишга қаратилаган савдо стратегияси тарафдорлари жумласига М.Бруно, Х.Ченери, А. Строут ва бошқаларни киритиш мумкин¹¹.

Импортни чеклашнинг энг кенг тарқалган усуллари жумласига валюта назорати, импортни лицензиялаш, юқори импорт тарифлари , миллий саноатга давлат инвестицияларини кенг миқёсида киритиш, импорт махсулотлари олиб кираётган кархоналарни турли солиқ ва бошқа имтиёзлардан озод қилиш ва бошқаларни киритиш мумкин .

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, импорт ўрнини босувчи ташқи савдо стратегиясини ёқлаб фикр билдирган иқтисодчилар асарлари асосан ўтган асрнинг 50-70 йилларига тўғри келади . Бугунги кунда иқтисодчи олимларнинг аксарият қисми очик иқтисодиётга асосланган экспортга йўналтирилган ташқи савдосиёсатини қўллаб қувватлайдилар.

Экспортга йўналтирилган ташқи савдо сиёсатининг асл мақсади ҳам мамлакат иқтисодиётини саноатлаштириш ҳисобланади . Бироқ бунга “ташқи савдо чеклари ва импортни дискриминациялаш ёрдамида импортни миллий ишлаб чиқариш билан алмаштириш воситасида эмас, балки иқтисодиётнинг очиклик даражасини ошириш, ташқи савдони экинлаштириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш йўли билан эришилади”. Бундан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки экспортга йўналтирилган савдо стратегиясининг принциплар фарқи жиҳати унинг очик иқтисодиёт тамайлларини амал қилишидир .

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодиётнинг очиклик даражаси деганда, энг аввало, мамлакатнинг халқаро савдога жалб этилганлик даражаси эмас, балки ташқи савдо операцияларини амалга оширишда савдо чекловларининг жорий этилганлик даражаси тушунилади. Чунки

¹¹Муқимов К.Б. Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш муаммолари ва уни ҳал этиш йўллари. Магистрлик диссертацияси. -Т.: “Академия”, 2002 йил.

жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, экспортнинг ЯИМ га нисбати ташқи савдони эркинлаштирилганлик даражасидан кўра кўпроқ мамлакатнинг ҳажмига ва табиий-иқтисодий ресурслар билан таъминланганлик даражасига боғлиқ . Масалан, АҚШ да экспортнинг ЯИМ даги улуши 16-18%ни , ЕИ да 15-20% ни ташкил этади . Айни вақда кучли протекционизм сиёсатини юрутувчи айрим ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич 30% дан кўпроқни ташкил этади¹².

Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашуви масалаларига бағишланган рисолади мамлакатимиз иқтисодчи олимлари А.Расулев, А.Бедринцев ва А.Окиловлар экспортга йўналтирилган сиёсатнинг асосий мақсади: “Жаҳон бозорида ўсиб боровчи ёки потенциал талабга эга бўлган товарлар ишлаб чиқариш йўли билан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва нисбатан юқори иқтисодий ўсиш суъратларига эришиш”дан иборат , деб таъкидлайдилар ушбу таърифда мамлакат экспорт салоҳиятини оширишни муҳим йўналаши сифатида жаҳон бозорида ўсиб боровчи ёки потенциал талабга эга товарлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Республикамизнинг яна бир гуруҳ иқтисодчи олимлари экспортга йўналтирилган иқтисодиётга қуйидагича таъриф берадилар: “Экспортга йўналтирилган иқтисодиёт таркибини ташкил этишнинг мақсади ташқи ва ички бозорлада талаб таркибига мослаштирилган рақобатбардош ишлаб чиқариш фаолият турларини ташкил этиш ва ривожлантириш, экспортда

ҳом ашё йўналишидан чуқур қайта ишланган тайёр маҳсулотлар экспорти устуворлигига ўтиш йўли билан максимал даражада фойда олишни таъминлаш ва Ўзбекистоннинг глобаллашув ва жаҳон

¹²Горбунова О.А. ВТО: Основы функционирования и проблемы просоединения России. М-144.2010г

иктисодиётининг интеграциялашув жараёнларига катнашувида таваккалчилик даражасини минималлаштиришдан иборат”¹³.

Ушбу таъриф кенг камровли ва муаммога нисбатан мажмуавий тарзда ёндошилганлиги билан бошқа таърифлардан фарқ қилади.

Шуни қайд этиш лозимки, экспортга йўналтирилган савдо стратегияси экспортни кенг кўламда субсидиялаш деган маънони англатмайди. Одатда экспортни кенг кўламда субсидиялаш экспорт ҳажмининг ошишига олиб келмайди. Чунки экспортга чиқарилаётгантоварлар нархларининг пасайтирилиши миллий валюта алмашув курсининг ошишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида экспортнинг пасайишига ва импортнинг рағбатлантирилишига олиб келади. Шу сабабли ҳозирги кунда экспортга йўналтирилган савдо стратегияси деганда эркин савдо тамойиллари асосида юритилаётган сиёсат тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, импорт ўрнини босувчи сиёсатга мойилликка барҳам бериш ва ташқи савдога нисбатан давлатнинг нейтрал позицияда туриши экспортга йўналтирилган иқтисодиёт моҳиятини ёритиб беради.

Масалан, Анн Харрисон фикрича, “савдо сиёсатига нисбатан очиқлик концепцияси нейтраллик ғочсининг синоними ҳисобланади”¹⁴.

Нейтрал ташқи савдо сиёсати давлат ташқи савдога нисбатан ҳеч қандай рол ўйнамайди, деган маънони англатмайди. Аксинча, экспортга йўналтирилган савдо сиёсатини танланган мамлакатларда эришилган муваффақиятлар кўп жиҳатдан давлатнинг фаол иштироки билан боғлиқ. Бироқ ушбу мамлакатларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатнинг қиёсий афзалликларига асосланади.

¹³ Ходиев Б.Ю. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг таъсирини юмшатиш ва бартараф этиш жараёнида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш. // Иқтисодиёт ва таълим илмий журнали.-Т.: ТДИУ, 2010 йил февраль, 1-сон.

¹⁴ Волгина.Н.А. Междунорадная экономика. М-480 2010 г. 75с.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ва хорижда ташқи савдо стратегиясининг мазкур икки шаклини ўзаро қиёслаш ва уларнинг самарадорлигига бағишланган тадқиқотлар олиб борилди. Бунга мазкур икки стратегияни танланган мамлакатлар иқтисодий ривожланиш тажрибаси бой материал бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари иқтисодий ўсиш, ташқи савдонинг ривожланиши ва иқтисодиётнинг очиклиги ўртасида бевосита боғлиқлик борлигини ва аксинча, импорт ўрнини босувчи таўқи савдо стратегияси кутилган натижаларга олиб келмаганлигини кўрсатади.

Маълумки, импорт ўрнини босиш стратегияси танланган мамлакатлар унинг узоқ истиқболда юқори самара беришини кунган эдилар. Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатадики, айнан экспортга йўналтирилган ташқи савдо стратегияси узоқ истиқболда катта самара берди. Импорт ўрнини босишга қаратилган таўқи савдо сиёсатини танлаган мамлакатларда инфляциянинг юқори даражаси, жамғариш ва инвестициялардан олинадиган самаранинг пастлиги, шунингдек, ташқи қарз ва тўлов баланси билан боғлиқ муаммолар иқтисодий ўсишнинг паст бўлишига олиб келди. Бир сўз билан айтганда, импорт ўрнини босувчи савдо стратегияси асосий мақсад-аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш имконини бермади.

Бундан ташқари йиллар ўтиши билан миллий саноатни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ муаммолар тобора кескинлашиб борди. Давлат томонидан турли йўллар билан қўллаб-қувватланган саноат тармоқлари жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражасига етмади. Бунинг устига ушбу тармоқлар бутун иқтисодиётнинг самарасиз фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Айни вақтда экспортга йўналтирилган ташқи савдо стратегиясини танлаган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, экспортни рағбатлантириш сиёсати ишлаб чиқариш ва экспорт таркибини

диверсификациялаш ва шундан келиб чиққан ҳолда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Экспортни рағбатлантириш сиёсати туфайли янги индустриал мамлакатлар хом ашё экспортёрларидан тайёр маҳсулотлар экспортёрларига айландилар ва жаҳон хўжалик тизимида муносиб ўрин эгалладилар.

Жаҳон амалиётида экспортёрларни қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги асосий усулларида фойдаланилади:

- давлат томонидан субсидиялаш;
- экспортни имтиёзли кредитлаш ва суғурталаш;
- валюта сиёсати;
- капитал киритилиши ва чиқарилиши;
- экспортёрларга солиқ имтиёзлари берилиши, уларнинг транспорт таъминоти;
- корхоналар раҳбарларини ахборот билан таъминлаш ва маслаҳатлар бериш;
- экспортёрларни дипломатик қўллаб-қувватлаш;
- экспорт базасини ривожлантириш давлат сиёсати;
- ташқи савдо учун кадрлар тайёрлаш ва бошқалар.

Ҳозирда барча давлатларда асосан қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, сўнгги пайтларда хизматларнинг ҳам экспортини давлат томонидан рағбатлантириш усуллари такомиллашмоқда ва рағбатлантириш миқёси кенгаймоқда. Ҳаттоки, савдо балансининг доимий ижобий сальдосига эга бўлган давлатларда (масалан, Япония ва ХХРда¹⁵) ҳам экспортни рағбатлантириш нисбатан иккинчи даражали фаолият туридан устувор йўналишга айланди.

Экспортни рағбатлантириш мақсадида АҚШда Савдо бўйича ахборот маркази (“U.S. Trade Information Center”) томонидан тадбиркорлар учун маълумотнома — “Экспорт дастурлари бўйича қўлланма.

¹⁵International Financial Statistics (IMF, June 2010) маълумотларига кўра.

Экспортёрларга федерал ёрдам масалалари бўйича бизнесменлар учун қўлланма” (“Export Program Guide. A Business Guide to Federal Export Assistance”) чоп этилади. Маълумотномада экспортёрларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари ва экспортёрларга ёрдам кўрсатувчи федерал идораларнинг фаолият турлари келтирилади, шунингдек компаниялар ўзларини қизиқтирган маълумотларни қандай олишлари мумкинлиги кўрсатилади.

Охириги йилларда АҚШда экспортни ривожлантириш миллий стратегияси бўйича бир қанча ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Улардан биринчисини 2002 йилнинг ўрталарида Дж. Буш маъмурияти тайёрлаган эди. Мазкур ҳужжатларда энг истиқболли соҳаларда фаолият юритувчи корхоналарга юқори эътибор кўрсатиш устувор йўналиш сифатида қаралиши диққатга сазовордир. Ўтган аср 90-йилларининг иккинчи ярмида қуйидаги соҳаларда экспортни рағбатлантириш устувор йўналиш сифатида қараларди: ахборот технологиялари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш технологиялари ва хизматлар сектори. Булар жаҳон бозорининг талаб энг юқори ва америка компаниялари етакчи мавқега эга бўлган сегментларидир. Натижада америка экспортининг ўртача йиллик ўсиш суръати 90-йилларда 10% дан ортиб, “катта еттилик” давлатлари ичида энг юқори эди.

Дж. Буш маъмуриятининг “Миллий экспорт стратегияси” ҳужжатида ташқи савдо фаолияти билан шуғулланувчи кичик ва ўрта бизнес корхоналарини, хизматлар экспортёрлари ва хорижий лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этувчи компанияларни қўллаб-қувватлашни кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Бундан ташқари, ҳужжатда бошқа ривожланган давлатларда экспортёрларни қўллаб-қувватлаш усуллари батафсил таҳлил қилиниб, уларнинг бу соҳадаги тажрибасидан фойдаланиш вазифаси қўйилган.

Бошқа йирик давлатларда ҳам турли номлар билан экспортни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқувчи органлар ташкил этилган. Масалан, Францияда Бош вазир раҳбарлигидаги Рақобатбардошлик ва иқтисодий хавфсизлик бўйича қўмита тузилган. Мазкур қўмита, шунингдек, миллий компаниялар ташқи савдо фаолиятини кенгайтириш стратегиясини тузади. Франциянинг экспорт стратегиясида юксак технологиялар, жумладан телекоммуникация, атом электр станцияси, тезюрар поездлар билан боғлиқ кўплаб лойиҳалар асосий ўринни эгаллайди.

Германияда истиқболли минтақаларда экспортни ривожлантиришга кўмаклашиш учун ҳукумат муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилот тузилган. Ташкилот томонидан немис экспортёрларининг Лотин америкаси ва Шарқий Осиё минтақаларидаги позицияларини узоқ муддат давомида кучайтиришни назарда тутувчи “Лотин америкаси концепцияси” ва “Шарқий Осиё тушаббуси” ишлаб чиқилган.

1.3. Диверсификациялашнинг назарий асослари

Диверсификация иқтисодий ва техник-технологик жиҳатдан модернизация тушунчасига яқин. Бу икки тушунча ёнма-ён тушунтирилиши мақсадга мувофиқ. Чунки диверсификациясиз модернизация, модернизациясиз диверсификация жараёни содир бўлмайди.

“Диверсификация” лотинча (diversification) сўзидан олинган бўлиб, ўзгариш, ҳар хиллик, бирор нарсага кўп томонли, комбинациялашган, кўп тармоқли тус бериш каби маъноларни англатади.

Диверсификация жараёнига берилган замонавий таърифлар орасида англиялик иқтисодчилар Бэннок, Бакстер ва Девислар томонидан келтирилган таъриф эътиборга молик: “диверсификация - бу бирор фирма

ёки географик минтақада товарлар ва хизматлар доирасини кенгайтиришдир”. Диверсификациянинг куйидаги турлари бор:

- Горизонтал диверсификация;
- Концентрик диверсификация;
- Конгломерат диверсификация;
- Меҳнат билан таъминлашнинг минтақалар бўйича

диверсификацияси.

Модернизация инглиз лексиконидаги modern (лотинчада modernus) сўзидан олинган бўлиб, 1500 йилдан буён «замонавий, қадимий бўлмаган, бугунги кунда пайдо бўлган» деган, маънони англатиб келмоқда. Ушбу тушунча Ренессанс даврида ўқимишли кишилар томонидан ғарбнинг 3-рта аср қоронғилигидан чиқиш йўли сифатида тилга олинган. Модерн тушунчаси анланган тараққиёт билан боғлиқ қарама-қарши тушунча ҳисобланади.

Модернизация – жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий институтлари ва иқтисодий асосининг ҳар томонлама янгиланишини билдиради. Модернизация бу аниқ ҳаракатлар дастури бўлиб, иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожлантириш, мамлакатимизни дунёдаги тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш йўлига ўтказиш воситасидир.

Иқтисодиётни диверсификациялаш ва модернизациялаш моделларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу билан бирга, ушбу жараёни ҳаракатлантирувчи тармоқлар турли мамлакатларда умумий, ўхшаш жиҳатларга ҳам эга.

Диверсификация жараёнини ҳаракатлантирувчи тармоқлар – бу аграр (ишчи кучидан фойдаланиш) ёки ресурс (зарур инвестициялар) тармоқлар асосида шакллантирилган оммавий ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат тармоқларидир. Россия эса модернизациялаш ва диверсификациянинг устувор тармоқлари сифатида самарали ва янги ёқилғи турлари, медицина технологиялари ва фармацевтика, ядро

энергетикаси, информацион технологиялар, космос ва телекоммуникацияларни белгилаб олди¹⁶.

Таҳлиллар кўрсатишича, иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш ва модернизациялашга қуйидаги хусусиятлар хос бўлиши зарур:

- тармоқлар оммавий ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиши лозим;

- тармоқлар хом ашёга тўлиқ боғлиқ бўлмаслиги, яъни юқори қўшилган қиймат улушига эга бўлиши керак;

- янги технологияларни қўллаш ва уларга бўлган талабни қўллаб-қувватлаш зарур;

- меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлиши ва ушбу тармоқларни ривожлантиришдан манфаатдор ишчилар гуруҳи шакллантирилиши лозим;

- диверсификация ва модернизация учун асос бўлган тармоқлар, биринчи навбатда, жаҳон бозорига ва ундан кейингина ички бозорга йўналтирилган бўлиши лозим.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, Осиё мамлакатларида кемасозлик, автомобилсозлик, кейинги босқичларда аудио ва видео техникалар ишлаб чиқариш, компьютер ва ахборотлар индустрияси тармоқлари иқтисодиётни диверсификация ва модернизациялашнинг ҳаракатлантирувчи тармоқлари сифатида ривожлантирилган. Ушбу тармоқларнинг ривожланиши ғарбда эришилган илғор технологияларни ўзлаштиришни талаб этади. Масалан, Японияда 1960-1970 йилларда технологиялар импорти уларнинг экспортидан саккиз баравар кўп бўлган. Ушбу тармоқлар қисқа муддатда оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берган. Жумладан, Корея Республикасида 2000 йилда умумий тоннажи 12,2 млн. тоннага тенг (жаҳон тоннажининг 54% и) савдо кемаларини ишлаб чиқарган. 1990 йилларнинг охирида жаҳонда мобиль

¹⁶ Дворкович А. Элита плюс общество. // Ведомости, 21.10.2010.

телефонлар ишлаб чиқаришнинг 34% и Малайзия ҳиссасига тўғри келган. 2000 йилда жаҳон компьютерлар ишлаб чиқариш ҳажмининг 39% и, телевизорларнинг 42% и, оргтехника ва офис ускуналарининг 50% дан ортиғи Хитойда ишлаб чиқарилган. Ушбу тармоқлар «миқёс таъсири» натижасидаги авзалликлар туфайли ҳеч қачон ички бозорга йўналтирилмаган. Масалан, Корея Республикасида 1967 йили мамлакатда 165 000 та автомобиль мавжуд бўлгани ҳолда, 300 000 та автомобиль ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод қурилган. Иқтисодий ўсишнинг етакчи ишлаб чиқариш тармоқларида ҳам ашё ва энергия сарфи тайёр маҳсулот қийматининг 10 - 12% идан (электроника) 22 - 25% гача (кемасозлик) ташкил этган ¹⁷ . Иқтисодиётни диверсификация ва модернизациялаш туфайли яратилган янги тармоқларда модернизация жараёнини давом эттиришдан манфаатдор оммавий ишчи синфи пайдо бўлди. Масалан, 1990 йилларнинг охирида Малайзияда ишчиларнинг 14% и электроника саноатида, Кореяда ишчиларнинг 11% и кемасозлик ва автомобилсозлик саноатида, Хитойда ишчиларнинг 10% и оргтехника ишлаб чиқаришда банд бўлган. Охириги 25 - 30 йил ичида Осиё мамлакатлари иқтисодиётини «диверсификация ва модернизациялаш локомотивлари» жаҳон иқтисодиётида реал воқеликка айланди.

Диверсификация ва модернизация ўзгаришлари миллий иқтисодиётда қуйидаги муаммоларни ҳал этиш имконини беради:

- иқтисодиётда жадал суръатларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- аҳоли турмуш даражасини ошириш;
- жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллаш.

Жаҳон иқтисодиётини диверсификация ва модернизациялаш амалиёти босқичларини чуқур таҳлил қилиш табиий модернизациялаш модели учун қуйидаги белгилар хос эканлигини аниқлаш имконини берди:

¹⁷Иноземцев В. Локомотивы роста. //Ведомости, 20.04.2009.

Биринчидан, диверсификация ва модернизациялаш ёки уни амалга ошираётган авлоднинг мақсадини аниқ белгилаб олиш лозим. Масалан, америкача модернизациялаш ўз олдига эркин жамият қуриш вазифасини қўйган эди. Шу билан бир қаторда, Германия ва Япониядаги Иккинчи жаҳон урушидан кейинги модернизациялашнинг мақсади идеологик жиҳатдан урушда мағлуб бўлишдан сўнг тикланиш қобилиятига эга эканлигини исботлаб кўрсатиш эди.

Иккинчидан, миллатнинг ҳамма қатламларининг, бирлашуви. Россия мутахассисларининг фикрича ¹⁸, диверсификация ва модернизация жараёнида фаол қатнашувчи аҳолини қуйидаги беш табақага бўлиш мумкин: а) миллат ғоясини элтувчи сиёсатчилар; б) ресурсларни самарали тақсимлаш ғоясини элтувчи тадбиркорлар; в) мамлакат тараққиёти истиқболини олдиндан кўра билувчи, башоратловчилар; г) диверсификация ва модернизацияни ташкил этувчи хизматчилар; д) жамият хавфсизлигини кафолатловчи кучли институтлар.

Юқоридаги аҳолининг турли қатламларининг бирлашуви миллатнинг самарали диверсификация ва модернизациялаш сиёсатини амалга ошириш имконини беради.

Учинчидан, ўз кучига суяниш ва ишониш. Диверсификация ва модернизациялашнинг ушбу белгиси америкалик иқтисодчи М.Портернинг «ташқи технология ва товарлар бозорининг барқарор ва самарали ривожланиши учун ушбу товарлар ва хизматлар катта сиғимли ички бозорга эга бўлиши лозим, яъни янги товарлар мамлакат ички бозорида харидорни топгандан сўнг миллат қатламларининг бирдамлиги, жипслиги автоматик тарзда кучаяди ва мамлакатда йирик, замонавий компаниялар пайдо бўлиб, ушбу жараённинг негизига айланади» деган, ғоясига асосланади. Диверсификация ва модернизациялаш жараёнининг кучайиши ва чуқурлашувида мамлакатнинг кучли молия тизими муҳим роль ўйнайди.

¹⁸ Статья нацией, которая чего-то стоит. // Эксперт, № 1 (28-12), 2009. С. 48.

АҚШда модернизациялаш жараёнида Федерал Резерв тизими (ФРТ) ва Японияда ўзига хос кучли, самарали молия-саноат тизими яратилди. Мустақил молия тизимининг яратилиши ҳамда модернизациялаш туфайли иқтисодиёт самарадорлигининг кескин ўсиши мамлакат миллий валютаси харид қобилиятини оширади ва жаҳон молия бозоридаги мавқеини кучайтиради.

Иқтисодиётни диверсификация ва модернизациялаш жараёнида Япония, Корея Республикаси ва Тайвань миллий капиталнинг ривожланишида хорижий капитални жалб этишга нисбатан устуворлик бердилар. Ушбу мамлакатларда давлат маблағлари ҳисобига корхоналар қурилди ва хусусий компанияларга берилди. Корея иқтисодиётини диверсификация ва модернизациялашда ишлаб чиқарилган маҳсулот миллий ички бозор катта бўлмагани учун экспортга йўналтирилди. Экспорт давлат томонидан солиқ имтиёзлари, субсидиялаш, имтиёзли кредитлар бериш орқали қўллаб-қувватланди. Япония урушдан кейин кичик ва ўрта корхоналарни модернизациялашга устуворлик берган бўлса, Корея мамлакат ресурслари оз бўлганлиги учун йирик компаниялар ва молия гуруҳларини (чеболлар) қўллаб-қувватлашга асосий урғу берди.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда Шарқий Осиё мамлакатларида иқтисодиётни диверсификация ва модернизациялаш учун хос қуйидаги белгиларни ажратиш мумкин:

- Япония, Корея Республикаси, Тайванда иқтисодиётни диверсификация ва модернизациялаш асосида ер ислоҳоти ётди;
- ривожланган молия (банк) тизимининг яратилганлиги. Ушбу мамлакатларда шаклланган молия-саноат гуруҳлари таркибига қонун йўли билан тижорат банклари киритилмади ва улар хусусийлаштирилди;
- режалаштириш ва табиий бозор ривожланишининг натижаси бўлган ўзига хос саноат сиёсати амалга оширилди.

Россия ҳукуматининг фикрича, иқтисодиётни диверсификация ва модернизациялаш ғояси қуйидаги беш устувор йўналишларга эга:

- самарали ёқилғи ва янги турдаги ёқилғини ишлаб чиқариш;
- медицина технологиялари ва фармацевтика;
- ядро энергетикаси;
- информацион технология;
- космос ва телекоммуникация.

Диверсификация ва модернизациялаш дастурининг пировард самараси устун даражада жамият элитасининг инновацион ўзгаришлар жараёнига реал жалб этилишига боғлиқ. Ушбу сиёсатнинг муваффақияти давлатнинг бизнес ва жамият билан ҳамкорлиги даражасига боғлиқ.

Россиядаги диверсификация ва модернизациялашнинг мақсади аҳолининг ижодий ва тадбиркорлик қобилиятини тўлиқ намоён этувчи, ҳамма учун баравар имконият яратувчи иқтисодий муҳитни яратиш, рақобатбардош, диверсификациялашган иқтисодиётни яратишдир.

Россияни диверсификация ва модернизациялаш - бу мамлакатни янги индустриалаштиришдан иборат бўлиб, асосий фондларни тубдан янгилаш, харажатларни оптималлаштириш, замонавий технология ва бошқарувни фаол жорий этиш асосида уни дунёдаги энг йирик саноат маҳсулотини экспорт қилувчи 10 та мамлакат қаторига қўшишни таъминлашдан иборатдир. Модернизациялаш ва диверсификация муваффақиятини белгилаб берувчи кўрсаткич сифатида мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражаси хизмат қилиши лозим. Шундай қилиб, мамлакатнинг истиқболдаги ривожланиш стратегияси инновацион ривожланиш ва модернизациялашнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади.

Жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг очиқлик даражаси қатор кўрсаткичлар орқали аниқланади:

- экспорт квотаси;
- импорт квотаси;
- ташқи савдо квотаси;

- импорт эластиклиги коэффициенти;
- экспорт эластиклиги коэффициенти;
- экспорт ва импорт таркиби;

- иқтисодиётга сарфланаётган инвестициялар таркибида хорижий инвестицияларнинг ҳиссаси ва четга чиқарилган капиталнинг жами капитал ҳажмидаги улуши. Агар ички инвестицияларда хориждан келган маблағлар улуши қанча катта бўлса ва капитал ташқарига қанча кўп чиқса, иқтисодиёт шунчалик очиқ бўлади;

- меҳнат ресурслари таркибида хориждан келган ва хорижга чиқиб кетган ишчи кучи ҳиссаси. Ушбу кўрсаткич қанча катта бўлса, иқтисодиёт шунча очиқ бўлади.

Иқтисодиётнинг очиқлик даражасига таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасининг юқорилиги;

- иқтисодиёт таркибида қайта ишлаш ва юқори технологияли тармоқларнинг улуши;

- мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ҳажми;

- мамлакатнинг табиий ресурслар билан таъминланганлик даражаси.

Ўзбекистон иқтисодиёти эркинлашиб, очиқлик даражаси ортиб, жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кучайиб бормоқда. 2009 йилда Ўзбекистонда экспорт квотаси 36,8% га, импорт квотаси 29,3% га ва ташқи савдо квотаси 66,0% га тенг бўлди¹⁹.

Таҳлиллар кўрсатишича, Россия ҳукумати тармоқлараро диверсификация ва модернизация лойиҳаларини яратиш бўйича бирон-бир чора-тадбир қабул қилмаган. Ушбу лойиҳаларгина инқироздан тезда чиқиб кетиш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш имконини беради.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика ³‘митаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Охирги 60 йил ичида ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатларга айланган барча мамлакатлар давлатнинг бизнес билан мустаҳкам ўзаро алоқаларига асосланган индикатив режалаштириш дастурларидан фойдаланишган²⁰.

Узоқ муддатли мақсадлар сифатида кенг миқёсда қўлланиладиган юқори технологияларни жорий этиш зарур. Ушбу технологиялар 5 - 10 йил ичида ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг асосини ташкил этган. Шунингдек, иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси давлат бошқарув органлари ва коррупцияга қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши зарур.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида диверсификация ва модернизация жараёнлари ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу мамлакатларда турли иқтисодий муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш йўллари излашмоқда. Ушбу мамлакатларда иқтисодий ривожланишнинг оптимал йўлини аниқлашнинг универсал ва ҳамма учун бирдай самарали стратегияси мавжуд эмас. Жаҳон ҳўжалигига интеграциялашаётган ҳар бир мамлакат қуйидаги икки вазифани ҳал этиши лозим:

- иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда мувофиқлаштиришнинг универсал механизмларини жорий этиш ва ривожлантириш;
- иқтисодий субъектлар фаолиятига кучли таъсир ўтказувчи миллий маданий анъаналардан фойдаланиш.

Ушбу вазифаларни ҳал этишда уларнинг биттасига алоҳида урғу бермаслик зарур, чунки бу ҳолат институционал муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин. Иқтисодиётни диверсификация ва модернизациялашда мувозанатлашган қарорлар қабул қилиш зарур. Демак, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида диверсификация ва модернизациялаш жараёнида шаклланидиган мақсад ва унга эришиш шартлари мавжуд бўлиши лозим.

²⁰ Полтерович В. Гипотеза об инновационной паузе и стратегия модернизации. //Вопросы экономики, № 6, 2009. С. 23.

2-БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ ТАШҚИ САВДО ТАРКИБИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

2.1. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон ва Россия мамлакатлари раҳбарлари томонидан 1992 йил 30 май куни имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, 2004 йил 16 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Стратегик шерикчилик тўғрисида шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган асосий ҳужжатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Россия БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Бу алоқалар минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, интеграция жараёнларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига ҳам катта алоҳида эътибор қаратилмоқда. Россия Ўзбекистоннинг ишончли сиёсий, иқтисодий ва сармоявий шеригидир. Ўзбекистон ташқи савдосининг бешдан бир қисми Россия ҳиссасига тўғри келади.

Ўзаро савдо-иқтисодий, маданий, дипломатик муносабатлар турли даражаларда имзоланган 276 ҳужжатга асосланади.

Агар 2009 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 4,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2012 йил якунларига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 7,6 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган. Ўзбекистон ва Россия ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар муваффақиятли ривож топаётир. Бугунги кунга қадар Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикасининг энг йирик ташқи савдо шериги сифатидаги мавқеини барқарор сақлаб келмоқда.

Ўзбекистоннинг Россияга экспорти табиий газ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, транспорт ва коммуникация хизматлари, транспорт воситалари, тўқимачилик буюмларидан иборат. Россиядан Ўзбекистонга рангли ва қора металллар, механик ва электр ускуналар, ёғоч ва ундан ишланган буюмлар каби маҳсулотлар келтирилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 843 Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси фаолият юритмоқда. Россиянинг 135 фирма ва компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган. Россияда эса ўзбекистонлик шериклар иштирокида тузилган 385 қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон ва Россия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш учун улкан салоҳиятга эга. Саноатнинг қатор тармоқларида, қайта ишлаш саноатида, бошқа кўпгина соҳаларда икки мамлакатнинг фирма ва компаниялари ҳамкорлиги учун кенг фаолият майдони мавжуд.

Сармоявий соҳадаги ўзаро ҳамкорлик Россия — Ўзбекистон муносабатларида муҳим ўринни эгаллайди. Ёқилғи-энергетика мажмуида кенг кўламли қўшма лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этиш, биргаликда геология-қидирув ишларини олиб бориш, Ўзбекистон ҳудудидаги углеводород хомашёси конларини ўзлаштириш ва уни манзилига етказиш билан боғлиқ ишлар ана шулар жумласидандир.

Ўтган йили Давлат инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида республикамизга Россиянинг 789,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри сармоялари жалб қилинди. 2013 йилда ҳам капитал маблағларни киритиш ҳажми янада ортиди, хусусан, “Лукойл” компанияси Ўзбекистонда иккита лойиҳани рўёбга чиқариш учун маҳсулот тақсимооти битими асосида қиймати 678,5 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда сармоя киритди. Мазкур компания томонидан амалга оширилаётган лойиҳа 2039 йилга қадар мўлжаллан ва 5 миллиард долларгача сармоя жалб этилиши кўзда тутилган.

2013 йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 7 миллиард АҚШ долларида ортиди. Юртимизда 900 га яқин Ўзбекистон — Россия қўшма корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг 150 таси юз фоиз Россия капитали асосида тузилган.

Бундан ташқари, Россиянинг 102 та фирма ва компаниясининг ваколатхоналари мамлакатимизда аккредитациядан ўтган. Ўз навбатида, Россия Федерацияси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирокида 489 та фирма барпо этилган. “Ўзавтосаноат” акциядорлик компаниясининг Россия компаниялари билан ҳамкорлиги “Chevrolet” ҳамда “Daewoo” бренди остидаги мамлакатимиз маҳсулотларини экспорт қилиш орқали амалга оширилаётир.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг фаолияти икки томонлама амалий алоқалар тараққиётида муҳим ўрин тутди. Хусусан, мазкур комиссиянинг 2012 йил 13 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган 14-мажлиси якунлари томонларнинг иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга, савдо-иқтисодиёт, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация, илмий-

техника соҳаларидаги истикболли йўналишларни белгилаб олишга бўлган ўзаро манфаатдорлигини яна бир қарра тасдиқлади²¹.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 2014 йил 10 декабрь куни Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди.

Тошкентда бўлиб ўтган музокаралар чоғида 2013 йилнинг апрель ойида Россияга амалга оширилган олий даражадаги ташриф чоғида эришилган келишувлар ҳаётга татбиқ этилишининг боришини муҳокама қилиш, иқтисодиёт, савдо ва сармоялар, транспорт коммуникациялари сингари муҳим соҳалар ҳамда ҳар икки томон учун манфаатли бўлган бошқа жабҳаларда яқин ва узоқ келажакда Ўзбекистон — Россия шериклигини мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Ҳукуматлараро ва идоралараро мулоқотлар, ишбилармон доиралар анжуманлари анъанавий тус олгани баробарида, маданий-гуманитар соҳада жадал ҳамкорлик олиб борилаётир.

Ўзбекистон ва Россия муносабатлари салмоқли шартномавий-ҳуқуқий базага асосланган бўлиб, у икки томонлама ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларини қамраб олувчи 286 та битимдан иборатдир.

Ўзбекистон россиялик шериклар билан бирга рақобатбардош ва бозорда талаб мавжуд электр техника, фармацевтика ва тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари, мева-сабзавотни қайта ишлаш ва бошқа тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, минтақа мамлакатлари ҳамда унинг ташқарисидаги бозорларга экспорт қилиш бўйича муҳим сармоявий лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдордир.

Бундан икки ҳафта муқаддам Тошкентда бўлиб ўтган Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия йиғилишининг якунлари томонларнинг савдо ва сармоялар, ёқилғи-энергетика мажмуаси, транспорт

²¹“Жаҳон” АА.,2013-04-13.

ва коммуникациялар ҳамда бошқа муҳим йўналишлар бўйича ҳамкорликни жадаллаштиришдан ўзаро манфаатдорлигини кўрсатди.

Икки томонлама шерикликнинг устувор йўналишлари орасида транспорт ва транзит ташишлари соҳасидаги алоқаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Мазкур жабҳадаги ҳамкорлик амалдаги минтакавий транспорт йўлакларининг рақобатбардошлигини юксалтириш ва уларнинг юклар билан таъминланганлигини орттиришга қаратилгандир.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида Тошкентда ўтказилган музокаралар якунида тўртта ҳужжат имзоланди.

1. Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги 2015–2019 йилларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги битим;

2. Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги ўзаро молиявий талаблар ва мажбуриятларни тартибга солиш тўғрисидаги битим;

3. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ва Россия Ташқи ишлар вазирлиги ўртасидаги 2015 йил учун ҳамкорлик дастури;

4. Россия наркотик моддалар муомаласи назорати федерал хизмати ва Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ўртасида ноқонуний муомаладан олиб қўйилган наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг тадқиқотлари натижаларини алмашиш тўғрисидаги баённома.

2.2. Ўзбекистон ва Россия савдо-иқтисодий алоқаларининг ривожланиш йўналишлари

Жаҳон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тажрибаси шундан далолат берадики, ривожланаётган давлатлар иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга

эришишлари мумкин. Бунда ташқи иқтисодий сиёсат муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг энг асосий сабаби шундан иборатки, фан-техника тараққиёти натижасида жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув ва хўжалик фаолиятининг байналмилаллашуви жараёнлари кучаймоқда. Натижада ташқи иқтисодий фаолият миллий хўжаликнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Шундай шароитда муайян мақсадга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият юритиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш кўп жиҳатдан унинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувига, экспорт салоҳиятини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг аниқ натижаларига боғлиқ.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгач, жаҳон хўжалик тизимида интеграциялашиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қарата бошлади ва бу соҳада қатор муваффақиятларга эришди. Ана шундай муваффақиятлардан бири Ўзбекистоннинг кўп томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида кенг иштирок этаётганлиги билан боғлиқ.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ республикаимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро Молия Корпорацияси, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди.

Бундан ташқари иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча атрибутлари янгидан ташкил этилди. Хусусан, иқтисодий ислохотларнинг бошларида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди ва у кейинчалик Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига айлантирилди. Бугунги кунда эса у Ташқи иқтисодий

алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий Банкига асос солинди, шунингдек, бошқа ташқи иқтисодий алоқалар идоралари шакллантирилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этиш бўйича қатор муваффақиятларга эришилганини таъкидлаш лозим. Хусусан, ислохотлар йилларида “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги (2000 йилда янги таҳрирдаги), “Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги, “Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги “Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бир қатор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу қонуний ҳужжатларда ташқи иқтисодий фаолият юритишнинг асосий қоидалари ва тамойиллари, унинг субъектлари ва объектлари, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг қонуний асослари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топган.

Ўзбекистон ташқи савдо алоқалари тизимида Россия мамлакатлари алоҳида ўринга эга.

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистоннинг Россия билан ташқи савдо айланмаси динамикаси келтирилган (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

**Ўзбекистоннинг Россия билан ташқи савдо алоқалари
динамикаси, млн. АҚШ доллари**

	Россия		
	ТСА	Э	И
2000	1010,3	545,5	464,8
2001	653,7	500,5	603,6
2002	914	317,8	595,3
2003	1149,1	459,4	689,7
2004	1642	724,8	917,1
2005	2061	1026,5	1034,0

2006	2891	1661,7	1228,6
2007	4447	2473,0	1973,9
2008	4236	1961,8	2274,2
2009	4448	2257,2	2190,7
2010	6143	4154,8	1988
2011	6689	4405,5	2282,8
2012	7842	5146	2696
2012 йилда 2000 йилга нисбатан, %	7,8 марта	9,4 марта	5,8 марта

**Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
маълумотлари асосида ҳисобланган**

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Россия Ўзбекистон ташқи савдосида салмоқли ўринга эга. Хусусан, 2012 йилда Россиянинг Ўзбекистон ташқи савдо айланмасидаги улуши 37,8 фоизни ташкил этган.

Маълумки, Ўзбекистоннинг Россия билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириши қатор афзалликларга эга.

Биринчидан, республика географик нуқтаи назардан анклав давлат ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистондан бевосита энг арзон транспорт тури ҳисобланган денгиз йўлларига чиқиш имконияти мавжуд эмас. Бу ўз навбатида транспорт харажатлари билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради ҳамда маҳсулот таннархи ва унинг рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Россия билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш эса транспорт йўллари мавжудлиги туфайли йирик транспорт харажатларини талаб қилмайди.

Иккинчидан, Россия Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар учун йирик бозор ҳисобланади. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган тайёр товарлар энергия ва материал сиғимининг юқорилиги, сифат даражасининг нисбатан пастлиги уларнинг рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли тайёр маҳсулотларни узоқ хориж мамлакатларига сотиш анча мураккаб. Ички бозори ва истеъмоли йирик Россияда эса Ўзбекистон тайёр маҳсулотлари рақобатбардош ҳисобланади.

2012 йилда Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси билан ташқи савдо айланмаси 7842 млн. долларга тенг бўлиб, 2010 йилга нисбатан ташқи савдо айланмаси 7,8 мартага ўсган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси билан ташқи савдо айланмасида экспортнинг импортга нисбатан устунлиги кузатилади. Бу эса ташқи савдо айланмасида Ўзбекистон учун ижобий сальдо шаклланишидан далолат беради. 2010-2012 йиллар давомида Ўзбекистоннинг Россияга экспорти ҳажми 9,4 мартага ўсган бўлса, импорт ҳажми 5,8 мартага кўпайган.

Бу икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқалари тўғрисида фикр юритганда яна шунини алоҳида қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда гоҳ Россия экспортининг импортга нисбатан устунлиги, гоҳ Ўзбекистон экспортининг импортдан устунлиги кузатилади. Хусусан, 2012 йилда Россияга чиқарилган экспорт импортга нисбатан ҳажми 2450 млн долларга кўп бўлган.

Умуман олганда, 2000-2012 йиллар давомида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ташқи савдо динамикасида иккита босқич кузатилади. Биринчи босқич 2000-2002 йилларни ўз ичига қамраб олиб бу даврда ўзаро ташқи савдо айланмаси пасайиш тенденциясига эга бўлган ва уч йил давомида ўзаро савдо айланмаси қарийб 10 фоизга қисқарган.

Иккинчи босқич 2003-2012 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро ташқи савдо алоқалари муттасил ўсиш тенденциясига эга бўлди. Бу даврда ўзаро савдо айланмаси 6,8 мартага кўпайди. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, бу даврда Ўзбекистон экспортининг импортга нисбатан юқори суръатларда ўсиши кузатилди.

XXI аср бошларида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо алоқаларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган қатор объектив ва субъектив омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Жумладан:

- Ўзбекистон ва Россияда амалга оширилаётган иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта қуриш сиёсати ривожланган мамлакатлар билан

савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни рағбатлантирди. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, иқтисодиётни таркибий жихатдан қайта қуриш ва модернизациялаш янги техника ва технологияларни кенг миқёсда сотиб олишни тақозо этади. Бундай техника ва технологияларни эса фақат узоқ хориж мамлакатларидан сотиб олиш мумкин;

- икки мамлакат иқтисодиётлари таркибининг ўхшашлиги ўзаро савдо алоқалари ҳажмининг қисқаришига олиб келган сабаблардан яна биридир. Гап шундаки, минтақа мамлакатлари томонидан экспорт қилинадиган товарларнинг аксарияти (ёқилғи-энергетика ресурслари, қимматбаҳо металллар ва бошқалар) ҳар иккала мамлакатда ишлаб чиқарилади;

- мамлакатларда амалга оширилаётган импорт ўрнини босиш сиёсати натижасида кўплаб эҳтиёжларни ички ишлаб чиқариш эвазига қоплаш имконияти пайдо бўлди. Масалан, Ўзбекистонда ғалла ва энергетика мустақиллигига эришиш дон ва ёқилғи ресурслари импортининг сезиларли даражада қисқаришига олиб келди. Бу маҳсулотларнинг аксарият қисми Россия ва Қозоғистондан сотиб олинар эди;

- Ўзбекистон ва Россияда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар стратегиясидаги тафовутлар ва ҳоказо.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, Ўзбекистон ташқи савдо географиясини диверсификациялашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг бир қатор сабаблари мавжуд. Хусусан, республикамиз мустақилликни қўлга киритгач, собиқ Иттифоқ даврида вужудга келган ва ишлаб чиқариш ҳамда товарлар экспортида хом ашё маҳсулотлари устуворлиги билан тавсифланувчи иқтисодиёт таркибининг бир ёқламалигига олиб келган самарасиз иқтисодий алоқалардан воз кечиш вазифаси кун тартибидаги асосий вазифалардан бирига айланди. Бундан ташқари ягона тўлов тизимининг бузилиши ва собиқ Иттифоқнинг турли республикаларида жойлашган корхоналар ўртасида ўзаро тўловларни амалга оширишда

кийинчиликларнинг вужудга келиши, ушбу корхоналар тўлов қобилиятларининг кескин пасайиши, инфляциянинг юқори суръатларда ўсиши ҳам бу соҳадаги муаммонинг чуқурлашувига олиб келди. Мана шундай шароитда собиқ Иттифоқ корхоналари билан самарасиз иқтисодий алоқаларга барҳам бериш ҳамда узок хориж мамлакатлари билан савдо алоқаларини ривожлантириш иқтисодий инқирозни бартараф этишнинг муҳим воситаси ҳисобланар эди.

Шу билан бирга Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятида МДХ мамлакатларига нисбатан узок хориж мамлакатларига устуворлик беришини шаклланган экспорт таркиби ҳам тақозо этиб, экспортнинг асосий қисмини жаҳон бозорида барқарор талабга эга бўлган хом ашё ресурслари ташкил этар эди.

Иккинчи томондан, мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар, шунингдек, импортни диверсификациялаш сиёсатини амалга ошириш ва импорт сиёсатига бозор тамойилларининг жорий этилиши шароитида асосан ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариладиган замонавий техника ва илғор технологияни импорт қилиш зарурияти ҳам мамлакатимиз импорти таркибида узок хориж мамлакатлари улушининг ўсишига олиб келди.

Ўзбекистондан Россияга экспорт қилинадиган товарлар таркибида машина, асбоб-ускуналар ва транспорт воситалари, шунингдек, тўқимачилик ва тўқимачилик маҳсулотлари, пойафзал асосий ўринни эгаллайди.

2.3-жадвал

2013 йилда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро савдо алоқаларининг товар таркиби, %

Товарлар тури	Экспорт		Импорт	
	млн. долл.	%	млн. долл.	%

Озиқ-овқат товарлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси (тўқимачилик маҳсулотларидан ташқари)	98,0	7,8	252,2	9
Минерал маҳсулотлар	0,09	0,007	438,3	15,6
Шу жумладан, ёқилғи-энергетика товарлари	-	-	407,2	14,5
Кимё маҳсулотлари, каучук	43,0	3,4	300,8	10,7
Тери хом ашёси ва ундан тайёрланган буюмлар	1,1	0,08	0,07	0,003
Ёғоч ва целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари	1,7	0,1	674,4	24,1
Тўқимачилик ва тўқимачилик маҳсулотлари, пойафзал	426,2	33,9	18,1	0,6
Қимматбаҳо тошлар, қимматбаҳо металллар ва улардан тайёрланган буюмлар	29,7	2,4	12,8	0,5
Металллар ва улардан тайёрланган буюмлар	49,3	3,9	535,7	19,1
Машина, асбоб-ускуналар ва транспорт воситалари	607,8	48,3	532,9	19,0
Бошқа товарлар	1,4	0,1	38,6	1,4

Манба: Россия Федерацияси Федерал божхона хизмати маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2013 йилда Ўзбекистоннинг Россияга экспортининг 48,3 фоизини “машина, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ташкил этди. Агар қиймат ифодасида кўриб чиқадиган бўлсак, “ер транспорти воситалари” экспорти 534,8 млн. долларга, “электрик машиналар ва ускуналар” экспорти эса 60,2 млн. долларга тенг бўлди.

Ўзбекистондан Россияга экспортнинг қийматида “тўқимачилик ва тўқимачилик маҳсулотлари, пойафзал”нинг улуши 33,9 фоизга тенг бўлиб, қиймат ифодасида “пахта толаси” экспорти 177,9 млн. долларни, “кийимлар ва трикотаж кийимлари анжомлари” экспорти 188,0 млн. долларни ташкил этди.

Ўзбекистондан Россияга экспортнинг салмоқли қисмини озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этади. Ўзбекистонда ҳар йили 10 млн. тоннага яқин хўл ва куруқ мевалар етиштирилади. 2013 йилда Ўзбекистондан Россияга экспортнинг 7,8 фоизини озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этиб, бу қиймат кўринишида 98 млн. долларни ташкил этади.

Агар “металлар ва улардан тайёрланган буюмлар” товар гуруҳини кўриб чиқадиган бўлсак, 2013 йилда уларнинг жами экспортдаги улуши 3,9 фоизга тенг бўлди. Хусусан, Ўзбекистондан Россияга 35,9 млн. доллар миқдорида “рух ва ундан тайёрланган буюмлар”, 7,9 млн.доллар миқдорида “бошқа нодир бўлмаган металлар, металлокерамика, улардан тайёрланган буюмлар” экспорт қилинди.

Ўзбекистонга Россиядан импорт таркибида “ёғоч ва целлюлоза-қоғоз буюмлари”нинг улуши 24,1 фоизни ташкил этди. Қиймат кўринишида импорт ҳажми 590,7 млн. долларга тенг бўлди.


“Металлар ва улардан тайёрланган буюмлар” импортининг жами импортдаги улуши 19,1 фоизга тег бўлиб, қиймат кўринишида “қора металлар” импорти 369,6 млн. долларни, “қора металлардан тайёрланган буюмлар” импорти 103,9 млн. долларни, “алюминий ва ундан тайёрланган буюмлар” импорти 36,3 млн. долларни ташкил этди.

Россиядан Ўзбекистонга импорт қилинган “машина, асбоб-ускунлар ва транспорт воситалари”нинг 2013 йилда жами импортдаги улуши 19 фоизга тенг бўлди. Бу товар гуруҳининг салмоқли қисмини “ядро реакторлари, қозонлар” ташкил этиб, қиймат кўринишида – 301,9 млн. долларни ташкил этди. Шунингдек, Россиядан Ўзбекистонга 2013 йилда 100,4 млн. долларлик “электрик машиналар ва ускунлар”, 73,1 млн. долларлик “ер транспорти воситалари” импорт қилинди.

“Минерал маҳсулотлар” товар гуруҳининг жами импортдаги салмоғи 15,6 фоизни ташкил этиб, унинг асосий қисмини “ёқилғи-энергетика товарлари” ташкил этди – 407,2 млн.АҚШ доллари.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро савдо алоқалари таркибини таҳлил қилиш натижалари шундан далолат берадики, Ўзбекистоннинг Россияга экспорти таркибида машина ва асбоб-ускуналар ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари асосий ўринни эгаллайди. Бу икки турдаги маҳсулотларнинг жами экспортдаги улуши 82,2 фоизга тенг. Импорт таркибида эса ёғоч, целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари, машина ва асбоб-ускуналар, металллар салмоқли улушга эга.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Россиянинг инвестиция салоҳияти юқори бўлиб, ушбу мамлакатлар билан инвестиция ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари натижаларига ижобий таъсир кўрсатади.



2.2-расм. 2011 йилда Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритган 10 та мамлакат, млрд. сўм.

Манба: Альманах Узбекистана 2013. Т.: С.120

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонга киритилган хорижий инвестициялар ҳажми бўйича биринчи мамлакат Россия ҳисобланади. Хусусан, 2011 йилда Россия Ўзбекистонга 1309,9 млрд сўмлик инвестиция киритган.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги инвестиция ҳамкорлиги динамик тарзда ривожланиб бормоқда. Агар 2008 йилда Ўзбекистон иқтисодиётига

киритилган Россия инвестициялари ҳажми 385,0 млн. долларни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 789,4 млн. долларга етди.

2.5-жадвал


Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги инвестиция ҳамкорлиги динамикаси, млн. долл.

	Россиядан Ўзбекистонга киритилган инвестициялар ҳажми, млн. долл.	Ўзбекистондан Россияга киритилган инвестициялар ҳажми, млн. долл.
2008	385,0	11,5
2009	603,7	9,5
2010	636,7	13,5
2011	815,9	14,6
2012	789,4	10,7
2008-2012 йиллар	3398	59,8

Манба: Россия в цифрах. 2014: Крат. стат. сб. / Росстат- М., 2014 – С.480-481

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сўнгги 5 йил давомида Ўзбекистон иқтисодиётига 3,4 млрд. долларлик Россия инвестициялари киритилган. Ўзбекистондан Россияга киритилган инвестициялар ҳажми эса бу даврда қарийб 60 млн долларни ташкил этади.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги инвестиция ҳамкорлигининг асосий йўналиши нефть ва газ тармоғи ҳамда телекоммуникация соҳаси ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган Россия бевосита хорижий инвестицияларининг 82 фоизини нефть ва газ тармоғи ташкил этса, яна 16 фоизи телекоммуникация ҳиссасига тўғри келади.



2.3-расм. Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган Россия бевосита хорижий инвестицияларининг тармоқ таркиби, %
Манба: «Статистический ежегодник Республики Узбекистан». Т.:2013. – С.271

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги инвестиция ҳамкорлигининг асосий йўналиши ҳам нефть ва газ соҳаси ҳисобланади.

Хитойнинг Ўзбекистон билан нефтьгаз соҳасидаги ҳамкорлиги 2004 йилдан бошланди, деса бўлади. Шу йили Хитой Миллий нефтьгаз холдинг компанияси (ХМНК) ва “Ўзбекнефтьгаз” Миллий холдинг компанияси (МХК) ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида соҳа келишувини имзоладилар. ХМНК Ўзбекистоннинг нефтьгаз соҳасида катор лойиҳаларни амалга оширмоқда²²:

1) Фарғона водийсида (Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари, Ўзбекистоннинг шарқий Худудлари) нефть конларини ўзлаштирмоқда;

2) Бухоро-Хива минтақаси ва Устюрт ясси тоғликларида нефтьгазконденсат конларини ўзлаштирмоқда:

3) Орол денгизининг Ўзбекистонга қарашли қисмида (Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий худудлари) нефтьгаз конларини ўзлаштиришга тайёргарлик режалаштирилмоқда.

4) “Марказий Осиё – Хитой” газ қувурининг Ўзбекистон бўлаги қурилиши;

5) Муборак газни қайта ишлаш заводида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ускунаси қурилишини молиялаштиришда иштирок этиш (Қашқадарё вилояти, Муборак ш.);

6) Ўзбекистон ҳудудида нефтьгаз асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этиш режалари.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида нефтьгаз соҳасида ҳамкорлик улкан салоҳиятга эга.

²² "Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами", 2004 йил, 2-сон.

2008 йилда “Ўзбекнефтгаз” МХК ва Хитой Миллий нефтгаз корпорацияси (СНПС) “Мингбулоқнефт” қўшма корхонаси таъсис шартномаси ва уставини имзоладилар. Қўшма корхонани ташкил этишдан мақсад биргаликда Мингбулоқ конида қидириш ишларини тугатиш ва қазишни амалга ошириш. Қўшма корхона таъсисчилари – “Андижоннефт” ОАЖ ва СНОДС нефт ва газ қидириш ва қазиш бўйича Хитой Миллий корпорацияси. Ўзбекистон Фарғона нефтгаз минтақасида паст дебетли конларни қазишда Хитой компанияси тажрибасидан фойдаланишни режалаштирган. Ўзбекистонда бир суткада бир-икки тонна хом нефт дебетига эга 500 дан зиёд кичик конлар мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, бу соҳада сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Россиянинг “Лукойл” нефть компанияси умумий қиймати 4,8 млрд. долларни ташкил этадиган маҳсулот тақсимооти битими бўйича иккита йирик лойиҳани амалга оширишда иштирок этмоқда. Хусусан, Бухоро вилоятидаги Қандим гуруҳи конларини ўзлаштириш геология-қидирув ишларини (Хаузак, Шоди, Қўнғирот участкалари) ҳам қўшиб ҳисоблаганда бўйича лойиҳага 2001-2011 йиллар давомида 1,01 млрд. доллар миқдорида маблағ сарфлади. 2013 йилда эса яна 392,3 млн. долл. маблағ киритди. Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларида нефть қазиб олиш ва газ излаб топишга киритилган инвестициялар 2007-2011 йилларда 435 млн. АҚШ долларини ташкил этди. 2013 йилда эса яна 286,2 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди.

Россиянинг “Газпром” ОХЖ 2006-2011 йилларда Ўзбекистон Устюрт минтақаси “Джел” газконденсат конида геология-қидирув ишларини амалга ошириш учун 373,1 млн. АҚШ долл. миқдорида инвестиция киритди (2010 йилда – 50 млн. АҚШ доллари, 2011 йилда – 21,9 млн. АҚШ доллари, 2013 йилда – 10,0 млн. АҚШ доллари). 2012 йилда «Газпром Зарубежнефтегаз» ОХЖ («Газпром» ОХЖнинг шўъба корхонаси)

томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманида жойлашган Шохпахта конларини реконструкцияси ва излаб топиш бўйича ишлари давом эттирилмоқда. Таъкидлаш лозимки, 2012 йилнинг декабрь ойида бу ердан 290 млн. куб м. газ қазиб олинди. Бу эса лойиҳада кўзда тутилгандан 7 фоизга кўпдир. Агар 2011 йил билан солиштирадиган бўлсак, ўсиш 40 фоизни ташил этди. 2012 йилда умуман лойиҳа бўйича тикланиши режалаштирилган 19 скважинадан 5 таси капитал таъмирланиб, ишга туширилди.

3-БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИНГ ЎЗГАРИШИ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Экспорт ва импорт таркибини диверсификация қилиш чора-тадбирлар

Жаҳон ҳўжалигида юз берган молиявий-иқтисодий инқироз жаҳоннинг деярли барча мамлакатлари қатори Ўзбекистон миллий иқтисодиётига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди ҳамда жаҳон бозорларида кўплаб хом ашёларнинг нархига ва саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш тизимига путур етказди. Хусусан, экспортимиз таркибида асосий улушни эгаллаган пахта толаси, мис, қора ва рангли металл, автомобиль, нефть маҳсулотлари, табиий газ, минерал ўғитлар каби стратегик маҳсулотларнинг нархи тушиб кетди ва унга бўлган талаб ва эҳтиёж ўз-ўзидан сусайди.

Бироқ молиявий инқироздан чиқиб кетиш ва унга буткул барҳам бериш мақсадида ҳукуматимиз томонидан ўз вақтида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури натижасида экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёни анча фаоллашди. 2010 йил якунига кўра, ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди.²³ Жаҳон молия институтларининг ҳулосасига кўра, ушбу кўрсаткичлар инқироз даврига қарамасдан жаҳон ҳўжалигидаги энг юқори кўрсаткичлардан бири сифатида эътироф қилинди.

²³ “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Президент Ислам Каримовнинг 2011 йил 21 январдаги “2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан олинган.

Шунингдек, ташқи савдо ва тўлов баланслари ҳам сезиларли даражада мустаҳкамланди. Жаҳон хўжалигида давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирози шароитида экспортимизнинг умумий ҳажми 10,8 фоиз, ташқи савдо баланснинг ижобий сальдоси эса 1,8 баробар ошди ва 4,2 млрд.АҚШ долларини ташкил этди.²⁴2010 йилда экспортимиз миқдори 2009 йилга нисбатан қарийб 110,8 фоизга ошди. Экспорт маҳсулотларимизнинг асосий таркибини энергия ва нефт-газ маҳсулотлари, мис, пахта толаси, автомобиллар, рангли ва қора металллар, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари ташкил қилди. Маҳсулотларимиз жаҳоннинг 173 мамлакатига чиқарилган бўлиб, асосий ҳамкор мамлакатларнинг улуши қуйидагича: Россия – 34,0%; Хитой – 6,9%; Қозоғистон – 6,5%; Туркия – 5,5% ва бошқалар.

Юқоридаги таъкидлаб ўтилган ижобий кўрсаткичларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Ҳукуматимиз томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш, қонунчилик тизимини соддалаштириш, преференция ва имтиёзлар бериш ва ишлаб чиқарувчиларга енгилликлар ва шарт-шароитлар тақдим этиш натижасида экспорт миқдори йил сайин ортиб бормоқда. Экспортимиз салоҳиятини ва хорижий валюталар тушумининг оқимини янада кўпайтириш учун имкониятлардан унумли ва самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда қурилиш соҳалари учун ишчи кучи ва ўнлаб турдаги қурилиш материаллари мавжуд. Қўшни мамлакатларда қурилаётган йирик иншоотларни қуришда ва уларни қурилиш материаллари (цемент, мрамор, композит панеллари, кафел ва бошқалар) билан таъминлашда имкониятлардан самарали фойдаланиш мумкин.

Қўшни Афғонистон ҳудудларида алоқа ва транспортни тиклаш, кўприклар ва иншоотлар қуришда фаол иштирок этиш ҳамда ушбу ҳудудга маҳсулотлар олиб киришда реэкспортни ривожлантириш.

²⁴Ўша жойда.

Аҳолиси қарийб 1,5 млрд.кишига эга бўлган Жанубий Осиё минтақасининг бозорларини таҳлил қилган ҳолда, уларнинг маҳсулотлар импорти таркибини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ташқи бозорга олиб чиқишида бир қатор имтиёзлар ва қулайликлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йилдаги 1464 ва 1474-сонли қарорларида ўз аксини топган. Албатта, амалга оширилаётган дастурлар - миллий иқтисодиётимизнинг, шунингдек, ташқи савдони юқори суръатлар билан барқарор ўсиб боришида ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Фан-техника тараққиёти натижасида жаҳон хўжалиги тизимида глобаллашув ва хўжалик фаолиятининг байналмилаллашуви жараёнлари кучаймоқда, ташқи иқтисодий фаолият миллий хўжаликнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Бундай шароитда муайян мақсадга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият юритиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат тури айниқса, хом ашё улушининг катта бўлишига барҳам берилиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзгаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради.

Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташқи талаб қисқарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши валюта тушумларининг камайиши, ташқи савдо балансининг ёмонлашуви ва корхоналар молиявий аҳволининг тангликка юз тутишига олиб келиши

мумкин. Шунингдек, экспорт умумий ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиб қолиши ҳам қалтис ҳолат ҳисобланади.

Тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради.²⁵

Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

Ўтган йиллар мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, ташқи савдо таркибида ижобий силжишларга эришиш, унинг ҳажмини барқарор ўстириш имконини бермоқда (3.1.1-расм).

Республикамизнинг ташқи савдо айланмаси 1990-2013 йиллар давомида 33,7 марта, жумладан, экспорт - 35,9 марта, импорт - қарийб 31 марта ошди. Натижада ташқи савдонинг ижобий сальдоси қарийб 56 марта ортди. Биргина “2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди”²⁶.


²⁵Қаранг: Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 59-б.

²⁶Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади /Халқ сўзи, 2012 й., 21 январь.

Ташқи савдо балансида муттасил ижобий сальдога эришиш мамлакатимиз олтин-валюта захираларининг ортишига ва миллий валютаимиз барқарорлигининг таъминланишига олиб келди, хорижий валюта талаб этадиган йирик инвестиция дастурларини молиялаштириш имкониятларини кенгайтди. Хусусан, инвестиция дастурларини молиялаштиришда роли ўсиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси капиталининг 2012 йил бошига келиб 9 миллиард доллардан ошиб кетишида ташқи савдода ижобий сальдога эришилаётгани асосий роль ўйнади.

3.1.1-расм.

**Ўзбекистон Республикаси ташқи савдоси кўрсаткичлари
(миллион АҚШ долл.).**



Ҳукуматимиз томонидан ташқи савдо географиясини диверсификация қилиш, янги бозорларга кириб бориш, бу бозорларда

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини таъминлаш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2012 йилда Афғонистон Ислом Республикасининг Ҳайратон аҳоли пунктидан Мозори Шариф шаҳригача бўлган темир йўлнинг қурилиши, ушбу мамлакатга электр энергияси экспортининг кўпайтирилиши, Осиё минтақаси давлатларига пахта толасини сотиш ҳажмининг кўпайтирилиши буларга мисол бўлади.

3.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси экспортининг товар таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоизда)

	1990	1995	2000	2005	2008	2009	2010	2011
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100
Пахта толаси	59,7	48,4	27,5	19,1	9,2	8,6	11,3	9,0
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	1,7	5,4	3,8	4,4	6,0	9,7	13,2
Кимёвий маҳсулот ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	2,3	2,5	2,9	5,3	5,6	5,0	5,1	5,6
Энергия ва нефть маҳсулотлари	17,1	11,7	10,3	11,5	25,2	34,2	24,8	18,5
Қора ва рангли металллар	4,6	4,7	6,6	9,2	7,0	5,0	6,8	7,4
Машина ва ускуналар	1,7	2,0	3,4	8,4	7,5	2,9	5,5	6,7
Хизматлар	1,3	7,7	13,7	12,2	10,4	8,8	9,1	11,8
Бошқалар	9,4	21,3	30,2	30,5	30,7	29,5	27,7	27,8

Манба: stat.uz/ dok_ru_2012.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш, экспортнинг товар таркибини диверсификация қилиш борасида изчиллик билан амалга оширилган чора-тадбирлар самараси ташқи савдо, хусусан, экспорт ҳажмининг ошиши ва унинг товар таркибида ижобий силжишлар рўй берганида ўз аксини топди. Экспорт таркибида кўшилган қиймат улуши катта бўлган тайёр маҳсулотлар салмоғи ўсиб бормоқда. 1990 йилда

экспортнинг умумий ҳажмида хомашё ҳисобланмайдиган товарлар улуши 30 фоиздан камроқ бўлган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 70 фоиздан зиёдни ташкил этди. 2000-2010 йиллар давомида республикада енгил автомобиллар экспорти 7,6 марта, пахта калаваси экспорти 4,7 марта, трикотаж матолар экспорти 156 марта, минерал ўғитлар экспорти 11,7 марта, нефть маҳсулотлари экспорти 67,5 марта, цемент экспорти эса 6,3 марта кўпайди.

Ялпи экспортнинг товар таркибида пахта толасининг улуши 1990 йилда 59,7 фоизни, 1995 йилда эса 48,7 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 11,3 фоизга, 2011 йилда эса 9 фоизгача пасайди. Машина ва ускуналарнинг ялпи экспортдаги улуши мустақиллик йилларида ўсди ва 2011 йилда 6,7 фоизни ташкил қилди (1990 йилда 1,7 фоиз).

Агар мамлакатимиз экспорти 1990 йилда (собиқ иттифокдош республикалар билан ҳисобга олинганда) 442,7 миллион долларга (жумладан, машина ва ускуналар экспорти 7,53 миллиондолл.), 2011 йилда эса 15027,2 миллион долларга (машина ва ускуналар экспорти 1006,8 миллион доллар) тенг бўлганини эътиборга олинса, шу даврда экспорт ҳажми 33,9 мартага ошгани ҳолда, машина ва ускуналарнинг экспорт ҳажми 133 марта кўпайганини кўриш мумкин. Шунингдек, машина ва ускуналар экспорти 2000-2011 йиллар давомида 9 марта, 2005-2011 йиллар давомида эса 2,2 марта кўпайди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабабли ташқи бозорда мамлакатимиз корхоналари экспорт қиладиган асосий маҳсулотларга талаб камайганига қарамасдан 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурига кўра экспорт қилувчи корхоналарни кўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида кейинги йиларда мамлакатимиз экспорт ҳажми барқарор ўсиб бормоқда. 2011 йилда “Экспорт тарибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил

этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийиб 46 фоизни ташкил этган эди”.²⁷

Мамлақатамиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш вазифаси 2012 йилда ҳам экспорт ҳажмини ўстириш ва диверсификация қилиш бўйича ишларни давом эттиришни талаб этади. Маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар доирасини кенгайтириш, уларни такомиллаштириш, рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича лойиҳаларни амлга ошириш бунга замин яратади.

Масалан, пахта толасини қайта ишлаш даражаси 2010 йилда республикамиз бўйича 23,6 фоизни, 2011 йилда эса 14,5 фоизни ташкил этди, ҳолос. Эксперт баҳоларига кўра, 2011 йилда республикамиз бўйича 10,94 миллион донадан кўпроқ тери хомашёси тайёрланди. Аммо унинг бор йғи 52,3 фоизи, яъни 5,72 миллион донаси тайёрланди, ҳолос. Чунки терини қайта ишлаш корхоналари томонидан уларни қайта ишлаш учун етарли талаб билдирилмаган.

3.2.2-жадвал

Асосий саноат озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг мақсадли прогноз параметрлари

Озиқ-овқат товарларининг номи	Ўлчов бирлиги	2011 й.	2012 й. минг тонна прогноз	2013 й.	2014 й. прогноз	2015 й. прогноз	2015 й. 2011 й. га нисбатан фоизда
Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш							
Мева-забавот консерваси	миллион шартли банка	460,0	475,0	510,0	560,0	610,0	132,6
Мева шарбати	млн шартли банка	155,0	160,0	175,0	200,0	220,0	141,9
Томат паста	миллион шартли банка	30,0	30,5	31,5	33,0	35,0	116,7
Қуритилган мевалар	минг тонна	123,0	126,0	134,0	143,0	155,0	126,0
Колбаса маҳсулотлари	минг тонна	25,0	26,0	28,0	30,0	33,0	132,0
Гўшт консерваси	миллион шартли банка	2,2	2,5	3,0	3,6	4,4	2 марта
Сут ва сут маҳсулотлари	минг тонна	345,0	355,0	390,0	430,0	490,0	142,0
Пишлоқ, бринза билан	минг тонна	3,0	3,3	3,7	4,2	5,0	166,7

²⁷Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади./Халқ сўзи, 2012 й., 21 январь.

бирга							
Сариг ёғ	минг тонна	4,2	4,5	5,0	5,6	6,5	154,8
Ўсимлик мойи	минг тонна	255,0	262,0	267,2	272,0	274,4	107,6
ш.ж. ноанъанавий экинлар мойи	минг тонна	17,0	19,0	21,0	25,0	30,0	176,5
Маргарин маҳсулотлари	минг тонна	18,0	19,0	20,0	21,0	23,0	127,8
Шакар	минг тонна	300,0	310,0	320,0	345,0	380,0	126,7
Кондитер маҳсулотлари	минг тонна	40,0	42,0	44,0	49,0	55,0	137,5
Пиво	млн дал.	27,0	28,0	29,0	30,0	32,0	118,5
Алкоголь ичимликлар	млн дал.	45,0	47,0	49,0	52,0	55,0	122,2
Тайёр маҳсулот экспорти							
Мева-сабзавот консерваси	минг тонна	6,7	7,2	7,8	8,3	8,9	132,8
Мева шарбати	минг тонна	25,5	26,5	28,1	31,0	33,0	129,4
Томат паста	минг тонна	4,3	4,8	5,5	6,4	7,4	172,1
Қуритилган мевалар	минг тонна	57,0	58,0	61,5	64,0	67,0	117,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги ПҚ-1633- сонли қарори.

Тери-чарм саноатини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тери хомашёсига талабнинг ортишига олиб келиши сабабли 2012 йилда тайёрланиши мўлжалланаётган 11,66 миллиондона тери хомашёсининг 72,3 фоизини, яъни 8,43 миллион донасини қайта ишлаш кўзда тутилмоқда.

Гўшт, сут, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш даражаси ҳам кониқарли аҳволда эмас. Шу сабабли бу маҳсулотларни қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрда қабул қилинган “Республиканинг озиқ-овқат саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш ва 2012-2015 йилларда ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1633-сонли қарори билан тасдиқланган дастурга кўра, озиқ-овқат хомашёсини қайта ишлашни кенгайтириш орқали саноат озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш кўзда тутилган.

Жумладан, 2011-2015 йиллар давомида мева-сабзавот консерваси ишлаб чиқариш 132,6 фоизга, мева шарбатлари ишлаб чиқариш 141,9 фоизга, пишлоқ ишлаб чиқариш (бринзани кўшиб ҳисоблаганда) 166,7

фоизга, томат пастаси ишлаб чиқариш эса 116,7 фоизга, маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 127,8 фоизга ўсиши прогноз қилинган.

Шу даврда мева-сабзавот консервалари экспорти 132,8 фоизга, мева шарбатлари экспорти 129,4 фоизга, томат пастаси экспорти эса 172,4 фоизга ўсиши мўлжалланган қилинган. Бунга эришиш учун 2012-2015 йиллар давомида озиқ-овқат саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш мақсадларида қиймати 74,18 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳалар амалга оширилади. Бу лойиҳаларни молиялаштириш учун 36,5 миллион долларга тенг чет-эл инвестициялари жалб этилади.

Шунингдек, 2012-2015 йиллар давомида янги корхоналар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш ҳамда қайта қуроллантириш ҳисобидан мева ва узумни қайта ишлаш бўйича 63100 тонна (2012 йилнинг ўзида 19750 тн.), гўшти қайта ишлаш бўйича 16500 тонна (2012 йилда 3650 тонна), сутни қайта ишлаш бўйича 45700 тонна (2012 йилда 10450 тонна) маҳсулотни қайта ишлаш имкониятига эга бўлган қувватлар барпо қилинади.

Юртимизнинг экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарига, экспорт қилинаётган маҳсулотнинг тури, ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушига боғлиқ тарзда бир қатор имтиёзлар (масалан, фойда солиғининг пасайтирилган имтиёзли ставкаларини қўллаш, божхона божлари бўйича имтиёзлар) белгилаб берилан. 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурига кўра, маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар доираси кенгайтирилди. Жумладан, жаҳон бозорида экспорт қилаётган маҳсулотига талаб пасайган корхоналарга банк кредитларини қайтариш муддатлари пролангация қилинди, солиқ тўловлари кечиктирилгани учун пеня ҳисоблаш тўхтатиб қўйилди ва ҳ.к.

Аммо, жаҳон бозорида рақобат кураши кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимизнинг маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, уларга қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги Президентимиз томонидан таъкидланди ва муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўйилди.

Маҳсулотни ташқи бозорларга олиб чиқиш учун рақобатчилар, истеъмолчилар, маҳсулот экспорт қилинаётган мамлакатнинг қонунчилиги тўғрисида ахборот кўмагини бериш, давлатлараро келишувларга кўра мамлакат корхоналари учун хорижий давлатларда энг кўп қулайлик режимини яратиш, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини (банклар, транспорт тизими ва ҳ.к) ривожлантириш, маҳсулот рекламасига кўмаклашиш каби чора-тадбирлар ҳам экспорт қилувчи корхоналар рақобатдошлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Пойтахтимиз ва вилоят марказларида ҳар йили ўтказиб келинаётган саноат ярмаркалари, мамлакатимизнинг халқаро савдо-саноат ярмаркаларидаги иштироки маҳсулот экспорт қилувчи корхоналаримизга ўз маҳсулотларини реклама қилиш, харидор ва шериклар излаб топиш имкониятини кенгайтирмоқда, реклама харажатларини тежаш имконини бермоқда.

Ушбу ижобий тажрибадан келиб чиқиб, экспорт ярмаркаларини ўтказишни кенгайтириш, йирик экспортчи корхоналаримизни нуфузли халқаро ярмаркаларда иштирок этишга жалб этиш бўйича ҳам Ҳукумат қарорини қабул қилиш Президентимиз томонидан алоҳида вазифа этиб белгиланди.

Экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш, уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш,

транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш, янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайитириш каби чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади

Хорижий давлатларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш, бундай товарлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Бу борада ҳар бир тармоқ учун ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган 2010-2012 йилга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича махсус дастурларда экспорт ҳажмини ошириш, экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш, экспортчи корхоналарни маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалалари ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини диверсификация қилиш иқтисодиётимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қилади.

3.2. Миллий саноат рақобатбардошлиги ўзгариши ва диверсификациялашнинг йўналишлари

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози барча давлатларда саноат ишлаб чиқариши суръатлари ва йўналишларига жиддий салбий таъсир

кўрсатди. Инқироз натижасида миллий саноатларни модернизация қилиш, кўпгина саноат тармоқларида реструктурлаш сиёсатини чуқурлаштириш ва диверсификация чора-тадбирларини жадаллаштириш, ҳамда ривожланаётган мамлакатларда саноатда локализация (маҳаллийлаштириш) жараёнларини такомиллаштиришга кучли эҳтиёж сезилди. Умумлаштириб айтганда, саноатлаштириш сиёсатининг барча параметрларини қайта кўриб чиқишга тўғри келди. Бу, ўз навбатида, саноат сиёсатида инновацион компонентлар – таркибни ташкил этувчиларнинг аҳамияти ошишига олиб келди.

Инновацион таркибни такомиллаштириш ва улардан саноатлашув жараёнида самарали фойдаланиш фақатгина миллий саноатнинг рақобатбардошлик даражасини таъминлаб қолмасдан, рақобатбардошликни оширишга имконият берувчи шарт-шароитларни кенгайтиради, ҳамда саноатнинг фундаментал, илмий, илмий-техник, тажриба-конструкторлик ва инновацион базасини мустаҳкамлайди.

Миллий саноатнинг рақобатбардошлиги ўзгаришини таҳлил қилишда тармоқларнинг ресурс, меҳнат, илм ҳамда капиталталаблиги хусусиятларидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, мазкур ишлаб чиқариш омилларининг инқироз натижасида жаҳон бозоридаги, жумладан, миллий бозордаги нархлари ўзгариши билан уларга талаб ва уларни таклиф миқёсларида жиддий ўзгаришлар кузатилди. Бу, ўз навбатида, ушбу ишлаб чиқариш омилларига қилинган харажатларида, шунингдек, тегишли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш нархларида кескин ўзгаришларга олиб келди. Масалан, 2012 йилда республика бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар нархларининг (СНИ индекси ўзгариши) ўсиши ўртача 29,5 фоизни, 2011 йилнинг январь-декабрига нисбатан эса 24,7 фоизни ташкил этди. Мазкур ўзгаришга рангли

металлургия (нархлар 2,4 барабар ўсди, таъсир 66,1 фоиз)²⁸, ёқилғи саноати (нархлар 22,6 фоиз ўсди, таъсир 14 фоиз) ҳамда қора металлургия (нархлар 63 фоиз, таъсир 5,5 фоиз) тармоқларидаги ўзгаришлар салмоқли таъсир кўрсатди.

Саноат маҳсулотлари (хом ашёси) нархларининг бундай ўзгариши ишлаб чиқарувчиларнинг маҳаллий ва халқаро бозордаги рақобатлашув шартларига таъсир кўрсатди.

3.3.1-жадвал

Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари ўзгаришининг омиллар бўйича таҳлили²⁹

Саноат тармоқлари	Ўсиш суръати	СНИга таъсири	Яқунга нисбатан, фоизда
Саноат, жами	29,5	29,5	100
Электр энергетика	6,9	0,7	2,2
Ёқилғи	22,6	4,1	14
Қора металлургия	63,0	1,6	5,5
Рангли металлургия	137,5	19,5	66,1
Кимё	-1,1	-0,1	-0,2
Нефть кимёси	6,1	0	0
Машинасозлик ва металл қайта ишлаш	1,3	0,2	0,7
Енгил саноат	10,5	1,5	5,0
Озиқ-овқат	12,4	1,2	4,0

Ўзбекистонда ялпи саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўсиши таъминланиши билан бирга, саноат ишлаб чиқаришининг ички тузилишида бир қатор йўналишларда ўзгаришлар содир бўлди.

Уларни қуйидагича гуруҳларда умумлаштириш мумкин:

1. Саноат маҳсулотлари ташқи савдоси таркибидаги ўзгаришлар.
2. Саноат маҳсулотлари ҳудудий таркибидаги ўзгаришлар.
3. Саноат маҳсулотлари тармоқ таркибидаги ўзгаришлар.

Халқаро бозорда миллий саноатнинг рақобатбардошлигини таъминлаш инқироз даврида мураккаб кечаётган бўлса-да, айрим йўналишларда ижобий силжишларга эришилди. Саноат маҳсулотлари

²⁸Нархлар одатда Лондон рангли металл биржасидаги биржа котиروвокларига асосан шакллантирилади.

²⁹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

ташқи савдосида кузатилган асосий ўзгаришлардан бири бу - 2009-2012 йилларда экспорт географиясида 18 та янги давлат пайдо бўлди. Улар Хорватия, Кипр, Қувайт, Мозамбик, Уммон, Шри-Ланка, Мьянма, Камбоджа кабилар. Шунингдек, минерал ўғитлар биринчи марта Ҳиндистон, Эрон, Малайзия, Монголия, Сингапур, Корея Республикаси кабиларга экспорт қилинди.

Инқироз даврида автомобил саноати экспорти ҳажми қарийб 40 фоизга қисқарди. Бу бошқа давлатларда протекционизм сиёсати кучайганлиги, ва умуман, жаҳон автомобил бозоридаги рақобат кураши кескинлашганлиги билан изоҳланади.

Саноат маҳсулотлари импорти таркибининг ўзгариши, асосан миллий истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш чоралари кенг миқёсда амалга оширилаётганлиги, маҳаллийлаштириш дастури доирасида саноатлаштириш лойиҳалари самарали тадбиқ этилаётганлиги билан боғлиқ. Истеъмол маҳсулотлари импортини камайтириш сиёсати импортда машина ва асбоб-ускуналар улуши юқориликча қолишини тақозо этаяпти. Аслида ҳам, ривожланаётган давлатлар тажрибасида ҳам кўринадики, миллий саноатни ривожлантиришда дастлаб инвестицион товарлар импорти рағбатлантирилади, кейинчалик, инвестицион товарларни ишлаб чиқариш жараёнининг ўзи маҳаллийлаштириш дастурларига киритилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда, асосан, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилмоқда. Инвестицион товарлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш машинасозликда яққол намоён бўлмоқда.

Айтиш ўринлики, саноат ишлаб чиқарувчилари бир вақтнинг ўзида ҳам ички бозорда, ҳам ташқи бозорда рақобатлашишга тўғри келмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида барча давлатларда ҳам саноатчилар ўзга давлатлардаги инқирозгача бўлган мавқеларини сақлаб қолишга, қўшимча равишда эса, ташқи савдо экспанциясини

мустаҳкамлашга ва таъминлашга ҳаракат қилишмоқда. Бундай шароитда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг миллий бозордаги мавқеини сақлаб қолиш ҳам мураккаблашаяпти. Шунинг учун ҳукумат саноатни модернизация қилиш чора-тадбирларига қўшимча равишда экспортчиларни қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга оширмоқда, шунингдек, ёнма-ён, вазиятдан келиб чиқиб, импорт божлари тизимини тартибга солмоқда.

Саноатчиларнинг ички бозордаги рақобатлашуви жараёнига тўловга қобилиятли талабнинг қисман қисқариши акс таъсир кўрсатаётган бўлса, монополияларга қарши кураш сиёсати рақобат муҳитида соғлом кураш бўлишини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўз табиатига кўра, инқироз ҳукуматни иқтисодиёт соҳаларида инвестицион муҳитни соғломлаштиришга, бюджет ресурсларини тежашга ва таркибини такомиллаштиришга рағбатлантирмоқда, хўжалик юритувчи субъектларни эса, инновацион фаолиятларга таяниб, янада самарали бошқарув тизимини жорий этишга, ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштиришга ва товар бозорларида рақобатлашув усуллариини такомиллаштиришга мажбур қилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2008 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги 548-І-сонли Қонуни билан тасдиқланган.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Экспорт назорати тўғрисида” ги Қонуни. 658-ІІ-сон, 2004 йил 26 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида” ги Қонуни. 77-ІІ-сон, 2000 йил 26 май.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Бож тарифи тўғрисида” ги Қонуни. 470-І-сон, 1997 йил 29 август.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида” ги Қонуни. 472-І-сон, 1997 йил 29 август.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида” ги Қонуни. 220-І-сон, 1996 йил 25 апрель.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 23 мартдаги ПҚ-1306-сонли “2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида” ги Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сонли “2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида” ги Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сонли “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июлдаги ПҚ-136-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий aloқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги Қарори.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti asarlari va ma’ruzalari

3.1 Karimov I.A. Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, uni O‘zbekiston sharoitida bartaraf etishning yo‘llari va choralari. – T.: O‘zbekiston, 2009

3.2 Karimov I. A. 2012 yil Vatanimiz taraqqiyotini yangi bosqichga ko‘taradigan yil bo‘ladi. – T.: “O‘zbekiston”, 2012. – 36 b.

3.3 Karimov I.A. 2014-yil yuqori o‘sish sur‘atlari bilan rivojlanish, barcha mavjud imkoniyatlarni safarbar etish, o‘zini oqlagan islohotlar strategiyasini izchil davom ettirish yili bo‘ladi: Mamlakatimizni 2013-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2014-yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma’ruza // I.A. Karimov. – Toshkent: O‘zbekiston, 2014. 64 b.

3.4 O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning 2010-yil 15-dekabrda imzolagan “2011-2015 yillarda O‘zbekiston Respublikasi sanoatini rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlari to‘g‘risidagi” qarori.

3.5 Prezident Islom Karimovning “O‘zbekistonda Oziq-ovqat dasturini amalga oshirishning muhim zaxiralari” mavzusidagi xalqaro konferensiyaning ochilish marosimidagi nutqi. 07.06.2014

3.6 Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш,

модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш –устувор вазифамиздир” мавзусидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2015 йил 17 январь сони.

3. Asosiy adabiyotlar

4.1 To'xliiev N., Xaqberdiev Q., Ermamatov Sh., Xolmatov N. O'zbekiston iqtisodiyoti asoslari. O'quv qo'llanma. T. "O'zME". 2006, 280 b.

4.2 To'xliyev N.N "O'zbek modeli: taraqqiyot tamoyillari" – Toshkent.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2014. – 264 b.

4.3 Исломов А., Эгамов Э. Иқтисодий таълимотлар тарихи: олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Ўзбекистон», 2003. – 216 б.

4.4 Vaxobov A.V., Xajibakiev Sh.X., Raxmanov Sh.I., Usmanova X.A. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar. T.: 2014 372 b.

4.5 Nazarova G.G., Xaydarov N.X., Akbarov M.T. Xalqaro iqtisodiy munosabatlar. T.: MChJ "RAM-S", 2007 y

4.6 Milliy iqtisodiyotni modernizatsiyalash va diversifikatsiyalashning dolzarb masalalari: xorij tajribasi, muammolar, iqtiboslar. Respublika ilmiy – amaliy konferensiyasi materiallari to'plami – T.: 2012. - 294 b.

4. Qo'shimcha adabiyotlari

5.1 Mundell R.A. The monetary dynamics of international adjustment under fixed and flexible exchange rates // Quarterly Journal of Economics. May 1960. P. 257;

5.2 Machlup F. International payments, debts, and gold. – London: George Allen & Unwin, 1966. P. 7-50.;

5.3 Rogoff K., Dornbush R. Overshooting Model After Twenty-Five Years. IMF Working Paper.2002. №39.;

5.4 Gaviria Ríos, M.A.(2007) *Apuntes de teoría y política monetaria*
Edición electrónica gratuita. Texto completo en
www.eumed.net/libros/2007a/233/

5.5 Alfonso Novales. Política monetaria antes y después de la crisis financiera. Departamento de Economía Cuantitativa Universidad. Complutense
Marzo 2010

5.6 Pedro Schwartz. The Paradox of Money. Madrid JANUARY 6,
2014

5.Statistik to'plamlar va hisobotlar.

6.1 Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозли: статистик тўплам. – Т.: 2011 140 б.

6.2 Статистическое обозрение Узбекистана за 2010 год. – Т.: 2011. – 85с.

6.3 Статистическое обозрение Узбекистана за 2013 год. /Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2013 – 85с.

6. Internet manbalari

7.1 www.cisstat.com MDH ijroiya qo'mitasi statistikasi sayti.

7.2 www.stat.uz O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika Qo'mitasi rasmiy sayti

7.3 www.stat.kz Qozog'iston Respublikasi statistika qo'mitasi rasmiy sayti.

7.4 www.cbu.uz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki rasmiy sayti.

7.5 www.stat.ru Rossiya Federatsiyasi statistika qo'mitasi rasmiy sayti.

7.6 www.gtmarket.ru Rossiya Federatsiyasi Menejmentni rivojlantirish sayti.

- 7.7 www.UzReport.uz iqtisodiyot yangiliklari sayti
- 7.8 www.rg.ru Rossiya gazetasi “biznes”
- 7.9 <http://analitika.org> - Analytical Centre «Prudent Solutions»
- 7.10 <http://www.case-research.eu> - CASE - Center for Social and Economic Research al. Jana Pawla II 61/212, 01-031 Warsaw, Poland.
- 7.11 <http://www.eumed.net> Enciclopedia Virtual
- 7.12 <http://www.juandemariana.org> Instituto Juan de Mariana.
- 7.13 <http://www.econlib.org> Library of Economics and Liberty
- 7.14 <http://www.rosbalt.ru> Информационное Агентство «Росбалт» РФ
- 7.15 <http://finmir.net> Финансовый обозреватель
- 7.16 <http://meta.kz> Все новости Казахстана.
- 7.17 <http://www.zakon.kz/> Информационное агентство Zakon.kz
- 7.18 <http://mir.uzreport.uz> Новости Узбекистана - UzReport.uz
- 7.19 www.lex.uz O'zbekiston qonun hujjatlari sayti
- 7.20 www.gov.uz O'zbekiston Respublikasining Hukumat Portali
- 7.21 www.ziyonet.uz O'zbekiston Respublikasi Axborot ta'lim tarmog'i
- 7.22 www.nationalbank.kz Qozog'iston Respublikasi milliy banki rasmiy sayti
- 7.23 www.halykbank.kz Qozog'iston xalq banki
- 7.24 www.xb.uz O'zbekiston Respublikasi xalq banki
- 7.25 www.nbu.uz O'zbekiston Respublikasi tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki
- 7.26 www.imf.org xalqaro valyuta fondi
- 7.27 www.worldbank.org jahon banki